O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 30-iyul • № 31 (4066)

## БИР СЎЗ БОР ДУНЁДА ИМОНДАЙ УЛУҒ

*1992 йилнинг айни баҳори, Наврўзи олам арафаси эди. Йўлимиз тушиб, кўҳна Марғилонни зиёрат қилдик. Шаҳарнинг Мустақиллик кўчасидан ўтаётсак, бир ҳовли ёнидаги улкан чинорга юртимиз байроғи қадаб қўйилган экан. Очиғи, бундай манзарага авваллари кўзимиз ўрганмагани боисми, қизиқсиниб, шу хонадон қаршисида тўхтадик. Ўзини "Баҳрин" маҳалласи мироблариданман, деб таништирган Зайнобиддин ака Сайдаматов "Меҳмонга ўхшайсизлар-а, қани марҳамат сўрига, бир пиёла чойимиз бор, шу десангиз, ўтган ҳам, кетган ҳам байроққа ишора қилиб "Нега энди уйингиз олдига илгансиз, бирор сири борми ё?" дея ажабланиб сўрайди. Мен бўлса секин изоҳ бераман: "Оғайни, ахир, кўрмадингизми телевизорда, Ўзбекистонимиз байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳилпираб турибди, шунга ҳавас қилиб, мен ҳам фахрланиб, яхши ният билан мана шу икки юз йиллик чиноримизга қадаб қўйдим-да. Илоё, мустақиллигимиз ҳам минг-минг йиллар яшасин"...*

### Ўн тўққизинчи довон

Бу энди кўп эмас, оз эмас, озодликда кечган ўн саккиз йил аввалги ёруғ бир хотира. Нега десангиз, бугун Марғилонга борган одам адашиб кетади, қадим шаҳарнинг ички ва ташқи қиёфаси бутунлай ўзгарган. Афсуски, ўзи туғилиб ўсган гўшада жуда қисқагина муддат оралиғида амалга оширилган улкан қурилишларни, соф миллий меъморлик намуналарини кўрмоқ Зайнобиддин акага насиб этмади. Лекин кўнгилга таскин бергувчи бошқа бир ажиб манзарани кўриб, шодмонлик туясан киши: шу юртнинг, шу элнинг тупроқ каби хокисор ва бағрикенг бир соддадил фарзанди ўзининг жонидан-да азиз ва мукаррам деб билиб, илиб кетган Ватан байроғи бугун ҳам "Баҳрин" маҳалласидаги ўша кекса чинор кўксида ҳилпираб турибди. Демакки, мана шу оддийгина мисолнинг ўзи муборак ҳадису шарифларда зикр этилган "Ватанни севмак иймондан" эканлигини тилда эмас, дилда, ўз ҳаётида амалий равишда исботлаб яшаётганлар орамизда кўплигини яна бир карра тасдиқлайди.

Яна бир қизиқ кузатувга эътибор беринг. Аксариятимиз яқин-яқинларгача бозордан ёки турли хил катта-кичик савдо дўконлариданми, ўз эҳтиёжимизга зарур маҳсулотларни, у кийим-кечак ё бирор техника ускунасиними, харид қилаётиб, "Қаерники ўзи бу? Аслиданми ишқилиб?", деб сўрашга мажбур бўлар эдик. Энди эса шундай ҳолатларда юртдошларимизнинг беихтиёр "Яхшиси ўзимизникидан бўлса бера қолинг, ишончлироқ", деган ҳақли эътирофларни жуда кўп эшитаяпмиз. Ана шунинг ўзи ҳам кейинги беш-ўн йил орасида деярли барча соҳалар (куни кеча матбуотда эълон қилинган 2010 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларида қайд этилган) бўйича мамлакатимиз сезиларли даражада юксалиш босқичига эришаётганини кўрсатади. Бундай мисолларни сиёсий, давлат ва жамият қурилиши, маънавият, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ соҳаси, ташқи ва ички сиёсатга доир жараёнлардаги ўзгаришлар, бир сўз билан айтганда, мамлакат миқёсида амалга оширилаётган кенг қамровли барча ислоҳотлар силсиласида бемалол келтириш мумкин.

Давоми иккинчи саҳифада.

## ОМАД ЁР БЎЛСИН!




### Абитуриент — 2010

Олий илм даргоҳига илк бор қадам қўйган бўлажак талабанинг қувонч ва орзулар оламини тасаввур этиб кўринг. Унинг катта ҳаёт синови олдидаги бугунги қувонч лаҳзалари бир умр илк муҳаббат каби азиз ва унутилмас бўлиб қолади. Катта йўлнинг бошида дастлаб бироз ҳадик, хавотир ва шу билан бирга умид, ишонч бор. Ана шунинг ўзи абитуриентга таскин бағишлайди.

Айни кунларда олий ўқув юртларининг ҳовлиларида, автобусда, шаҳар кўчаларда илм олишга иштиёқманд ёшларни учратиш мумкин. Қўлларида гоҳ китоблар, гоҳ қайсидир адабиётдан ёзиб олинган эслатма қоғозлар... Орзуларга тўла нигоҳлар фақат битта ва энг олий мақсадни кўзлаган: "Мен келажакда етук шифокор бўламан. Ўқишга кирсам... ", "Жуда кўп тилларни ўрганмоқчиман, ўқишга кирсам...", "Юртимизнинг шону шавкатини дунёга танитмоқчиман, агар ўқишга кирсам...". Булоқ сувидек шаффоф ва беғубор орзулар бу... Уларнинг ибрати ҳам ибораси ҳам — илм. Илм — маънавий баркамолликка элтувчи қанот. Илм — ҳаёт маъносини татиш лаззатига олиб борувчи куч. Ўша узоқ даврларни эсланг: боболаримиз — Берунийлар, Хоразмийлар бори бахш бўлган, жадидларнинг умри сарф бўлган илм. Бугун унда сенинг ҳаққинг бор. Бугун унда сенинг нақдинг бор. Улар кечалар оддий чироқ ёруғида шунчалар довруғ қозонибдими, энди сенга замонавий компютер мунтазир!

Бугун, сен ота-онанг, туғилган масканинг ишончини оқлаш учун келгансан! Эртага бутун халқ масъулияти елкангга тушади! Бу осон эмас... Сен, албатта, ўқишинг керак. Курашишдан, ўз келажагингни ўзинг яратишдан чарчама, умидингни сўндирма! Неча-неча уйқусиз ўтган тунлар ҳаққи-ҳурмати, столинг устидаги ўқилавериб оҳори тўкилиб кетган китоб ҳурмати, албатта, талаба бўласан!

Кўзларингда порлаб турган умид, қўлингдаги ўша китоб сенинг кимлигингдан хабар бериб турибди. Рақобатлар майдони бўлган 1-август — улкан синов кунида омад ёр бўлсин!

**ШОҲСАНАМ**

## АЙТИЛМАГАН ЖОЙГА БОРГАНДА...

### Муносабат

Ўзбек халқи ибратли удумларию анъаналари билан доим бошқа миллат вакилларини қизиқтириб келган. Тўй-томошалар, бошқа маросимларни бизнинг халқимиз ўзгача нишонлайди. Турли хил анъаналаримиз байрамона кечади. Тўйлар ҳам бундан мустасно эмас.

Чиройли, файзли тўй қилиш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Бунинг учун қанча сарф-харажат қилинади, вақт, куч кетади. Бироқ барибир фарзанд бахти барчасидан устун туради. Халқимизда кимдир тўй бошласа, албатта, қариндош-уруғ, таниш-билишу қўни-қўшни унга ёрдам беришни ўз бурчлари, деб билишади. Тўй эгасининг оғирини енгил қилиш мақсадида ҳамма қўлидан келганини қилади. Зеро, қизми-ўғилми — маҳалланинг фарзанди, деб билишади. Унинг тақдирига бефарқ бўлмай, бахти учун куюнишади. Бу фазилатлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Тўйнинг гашти ҳам шундадир, эҳтимол. Зеро, бундай пайтда меҳр-муҳаббат, ишонч, бурч ҳисси одамларни бир-бирларига янада яқинлаштиради. Тўй яна халқимизнинг нақадар меҳмондўст эканини кўрсатиб берувчи анъана ҳамдир. Келган меҳмонни эъзозлаб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, ўз шодиёнасига шерик қилиш барча элатларда ҳам учрайвермайди. Бироқ "гуруч курмаксиз бўлмайди", деганларидек баъзиларнинг беорлиги боис тўйларимизда кўнгилни хира қилувчи ҳоллар ҳам учраб туради. Бу айтилмаган жойга бемалол бориб, бировнинг ошига шерик бўлаётганлардир. Бундай кимсалар дастидан яхши ниятда қилинаётган тўйларда ўзаро тушунмовчилик, ҳатто тўй бузилиш ҳоллари ҳам бўлаётганини эшитиб ҳайрон қоласан, киши. "Безнинг иши "беш" қабилида иш кўрувчи бундай "меҳмонлар" яна ёнига икки-уч танишини олиб боришини ҳам эсдан чиқаришмайди.

Яқинда бир қариндошимизнинг тўйига бордик. Аввалига барчаси биз кутгандай бошланди. Келин-куёв келганидан сўнг росмана базм бошланди. Барчанинг юрагини ҳаяжон эгаллади, ҳамма бағоят хурсанд. Тўй баҳонасида анча вақт кўришмаган қариндошлар бир-бирларининг дийдорига тўйиб олдилар. Рақсга тушдилар. Олдингизда ўтирганлар "Олинг, олинг," дея дастурхондаги ноз-неъматларга ишора қилади. Хонандаларнинг шўх мусиқасига рақсга тушаётганларни, қувончдан юзлари ёришган меҳмонларни кўриб завқингиз келади. Атрофда ҳамма хурсанд. Барчани кузата туриб ташриф буюрганлардан анчамунчаси нотаниш эканидан таажжубландик. Яқин қариндошимиз, қуда томонни ҳам яхши билардик-ку, уларнинг шунча кўп таниш-билишлари борлигини билмаслигимиз бизни ҳайрон қолдирди. Қизиқсиниб улардан баъзилари кимлигини сўраб-суриштирдик. На бизникилар, на қуда томондан тайинли жавоб ололмадик. "Палончининг хотини", "дугонаси", "қўшнимнинг синглиси", деганга ўхшаш жавоблар. Ўйлаб қолдим, тўй эгасининг ўзи ҳам танимайдиган бу "меҳмонлар" чақирилмаган, билмайдиган жойга қайси юз билан келишди экан? Уларни етаклаб келганлар-чи? Улар бир инсоннинг очиқ кўнгиллигидан фойдаланаётганидан уялмасмикан?

Баъзи аёлларнинг кичкина болаларини тўйга етаклаб келиши бошқаларга ноқулайлик туғдиради. Ахир, кичкина бола тўйнинг нималигини қайдан билсин? У ерда ҳамма ўзи билан ўзи овора, хурсандчилик қилади, болаларга қарашга бировнинг на вақти бўлади, на хоҳиши. Бундай ноодатий шовқин-суронадан болалар йиғлай бошлайди. Тўй ҳам болалар боғчасига айланади-қолади.

Доно халқимиз "Айтилмаган жойга борма, айтилган жойдан қолма", дейди. Дарҳақиқат, таклиф қилинмаган жойга, айниқса, тўй-ҳашамга бориш тўй эгалари учун ортиқча оворагарчиликни келтириб чиқаради. Чақирилмаганларни чиқариб юборишга андиша йўл бермайди. Оқибатда кўнгил қолиб, ўртада ишонч, ҳурмат, меҳр туйғуларига зиён етади. Яхши тилак билан тикланаётган янги оила, қуда-андалар ўртасида тушунмовчилик пайдо бўлади.

Бувию буваларимиз ҳар бир дуосида бежиз тўйни тилга олишмайди. Осмони мусаффо, ҳаёти осойишта халққа тўйлар ярашади. Баъзи беор одамлар эса билиб-билмай тўйларимиз гўзаллигига раҳна солиб қўяётгани ачинарли, албатта. Лекин бунинг олдини олиш ҳам ўз қўлимизда эканини унутмаслигимиз керак. Зеро, тўй қариндошлар, қадрдонлар, яқинларимиз билан янада файзлидир.

**Мадина РУСТАМОВА,**
**Моҳира ОТАБОЕВА,**
**Жаҳон тиллари университети талабалари**

### МАДАНИЙ ҲАЁТ

"Ўзбеккино" миллий агентлигида агентлик тизимидаги ташкилотларнинг 2010 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти натижаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда филмларимиз халқаро фестивалларда совриндор бўлаётгани, кино асарларимизнинг ютуқлари таъкидланиб, кино ижодкорлар олдида турган вазифалар кўриб чиқилди.

"Биз айнан кино санъати намуналари бошқаларга қараганда кенг томошабинлар оммасини жалб этишини, одамларнинг, айниқса, ёшларнинг маънавиятига таъсир қилишини ёддан чиқармаслигимиз керак, — деди ўз сўзида "Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директори Аъзам Исҳоқов. — Бизнинг вазифамиз томошабин ортидан эргашиш эмас, аксинча, ҳар бир филм — муҳим маънавий-тарбиявий восита эканини эсда сақлаш. Ижодий гуруҳнинг ғояси экранда қандай кўрсатилгани, мавзу қанчалик профессионал ёритиб берилгани билан томошабин руҳиятига таъсир этади."

Йиғилиш иштирокчилари мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрамига соҳа ходимларининг тайёргарлиги, бу борадаги режалари билан ўртоқлашдилар.

**Ф. ФАХРУТДИНОВА**

* * *

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг "Ёшлар ахборот ресурс маркази" ўқув залида янги адабиётлар кўргазмаси очилди. Кўргазмада Ўзбекистон тарихи, руҳшунослик, санъат ва бошқа бир қанча фанларга оид ўзбек ва рус тилидаги юздан зиёд китоблар намойиш этилаётир. Барбар Брендннинг Ислом санъатига бағишланган китобида ислом маданиятининг санъатда тутган роли кўрсатиб берилган. Шефик Жон томонидан ёзилган китоб эса Жалолиддин Румийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган.

Шунингдек, кўргазмада Неъмат Аминов ҳаёти ва ижодига бағишланган "Табассум заргари", Носир Фозиловнинг "Эсласанг кўнглинг ёришур", Жовли Хушбоқнинг "Тақдир ғаройиботлари", Гулчеҳра Жўраеванинг "Сени соғинаман, ҳаёт", Минҳожиддин Мирзонинг "Юлдузим", Шуҳратнинг "Бемалол яшасанг бўлади" каби шеърий тўпламлари ҳам ўрин олган.

**Рахшона ТОШПЎЛАТОВА**

* * *

Пойтахтдаги Марказий офицерлар уйида Мудофаа вазирлиги қўшинлари тизимида ўтказилган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳарбий гарнизон ва округлар, Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари, ҳарбий қисм ва муассасаларнинг профессионал ҳамда ҳаваскор жамоалари иштирок этди.

Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари Шуҳрат Дадажонов, Марат Ҳакимов ва Камолиддин Раҳматов, марказий ҳарбий округдан кичик сержант Фозилжон Тўрабоев кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олдилар.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА**
*«Туркистон пресс»*

***Энг қадимги китоблар миххат билан лойга битилган, сопол шаклидаги китоблар кутубхонада сақланган. Бизга "Гилгамиш" достони ана шундай сопол китоблар шарофати билан етиб келган. Бироқ лойни пишириб, сопол буюмлар ясаш ундан ҳам аввал кашф этилган. Сополдан рангли нақш, манзарали шакл, ҳайкаллар ясалган, тасвирий санъат яратилган. Санъат ва маданият тараққиётида олтин, кумуш, мис ва темирдан ясалган буюмлар қадрли. Бироқ улардан кам бўлмаган кулолчилик санъатида инсон бадиий тафаккури, ҳаёлоти мўъжизалари ўз ифодасини топган. Ушбу санъатнинг бугуни ва келажаги ҳақида суҳбатлашиш, бадиий кулолчилик сирлари билан танишиш мақсадида Ўзбекистон халқ устаси Баҳодир Ниёзов устахонасига бордим.***

## СОПОЛ ҚЎШИҒИ

### Урчуқтошдан самолёт паррагигача

Устанинг қўллари, усти-боши лой. Лойда мўъжиза, сеҳр бор. Болалигимизда лой ўйнаганимиз, лойдан ҳайвонлар, қўғирчоқлар, ҳатто "нон" ясаганимиз эсимга тушади. Нима учун одам лойга, тупроққа бунча яқин. Айтишларича, одам лойдан яралган...

Чарх айланади. Хаёлот воқеъликка эврилади. Чархнинг айланишида ҳикмат бор.

Кулолнинг сеҳрли қўллари бир ҳовуч лойдан кўза ясайди. Лой гўё жонланади, оққуш каби бўйнини юқорига чўзади. Тумшуғи билан сув ичишга шайланаёттандек бўлади. Кўзанинг балдоқлари қанотга ўхшаб кетади. Сув сақланадиган сопол идишларнинг оққушга, лайлаклару турналарга ўхшатиб бўйни узун қилиб ишланиши бежиз эмас. Инсон ҳамма нарсани табиатдан ўрганади.

"Одамлар сополни ёқтиришининг сири нимада?", деб сўрайман Баҳодир Ниёзовдан.

— Сопол қадим замонларданоқ инсон турмушининг ажралмас ҳамроҳи бўлиб келмоқда. Уй-рўзғор буюмлари асосан сополдан бўлган. Меъморчиликда ҳам сопол кошинлар ишлатилган. Улкан қасрларнинг томлари сопол қопламадан ёпилган, сув қувурлари сополдан ишланган. Ёғоч ва темир тупроқ остида чирийди. Сопол эса ўз шаклини йўқотмасдан сақлайди. Шунинг учун қадимий шаҳарлар ёшини кўҳна обидалардан топилган сопол парчалари орқали аниқлашади.

Германияда чоп этилган "Қадимги давр луғати"да йигирмадан зиёд сопол идишлар ҳақида маълумот берилган. Қадимги юнон тилида улар шундай номланган: алабастр, амфора, арибалл, аскос, ваза, гидрия, канфар, киаф, килик, лебес, лекиф, лутрафор, ойнахоя, пелика, пинак, псиктер, пиксида, ритон, саркофаг, скифос, стамнос, фиала... Бу идишларнинг аксарияти дастлаб Шарқда ишланган. Масалан, скифос деган идиш номи скиф халқи билан боғлиқ.

Соҳибқирон Амир Темур қурдирган "Оқсарой" томи устидаги фаввораға Тахтиқорача тоғидан сопол қувурлар орқали чашма суви олиб келинган. Нуротадаги машҳур Нур чашмаси ҳам коризлар орқали бунёд этилган экан. Коризлар сопол қувурлар орқали бирлаштирилган.



Давоми бешинчи саҳифада.

## «МЕҲР ВА ҚАҲР»

### Янги томоша

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар театрида "Меҳр ва қаҳр" драмаси саҳналаштирилди. Асар воқеалари оила, турмуш, турли характердаги одамлар, сўнгги пушаймон, меҳр-оқибат ҳақида. Драматург Муҳаммад Али Эргаш асари асосидаги томошани режиссёр Зайниддин Омонов ва актёр Анвар Қаршибоев ҳамкорликда саҳналаштирди. Драма руҳига мос саҳна безакларини мусаввир Зокир Қобулов яратди.

Спектаклдаги асосий ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Мамедова, шунингдек, Низомиддин Қодиров, Мавлуда Аминова, Гулнора Ризаева, Ҳабибулло Абдуллаев, Ниғмат Салимов, Зуҳриддин Янгибоев, Севара Йўлдошевалар ижро этишмоқда. Мазкур спектакл театрнинг 90 йиллигига бағишланади.

**Абдуазиз ҲОШИМОВ**

**Ушбу сонда:**

*Айб ўзимизда

*Матн ҳақиқати

*Пайдо бўлдинг осмон харитасида

*Оқшом ёғдуларига йўғрилган портрет

*Бойчиборнинг изи бор...

## "ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!"

"Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови юртимизда яшаб ижод қилаётган кўплаб истеъдод соҳиблари, айниқса, ёш хонандаларнинг ҳақиқий маҳорат кўригига айланди. Пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида ўтган кўрик-танловнинг "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси тизимидаги якуний босқичи ҳам янги-янги истеъдодларни намоён этди.

Ёш авлод қалбида она-Ватанга, саховатли заминимизга меҳр-муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлаш, истеъдодларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш, Ватан мавзуида гўзал қўшиқлар яратиш мақсадида ўтказилган танловнинг "Ўзбекнаво" бирлашмаси тизимидаги босқичларида уч мингдан зиёд хонанда қатнашди. Республика босқичида эса қирқ нафар хонанда ўзаро куч синашди.

Танлов ҳакамлар ҳайъати совринли ўринларни ҳаваскор ва профессионал хонандалар ўртасида алоҳида-алоҳида тақсимлашга қарор қилди. Ҳаваскор ижрочилар ўртасида биринчи ўрин қашқадарёлик Хуршида Жўраевага насиб этди. "Дурдона" гуруҳи (Тошкент) иккинчи, Шерзод Давронов (Навоий) ва Шаҳноза Отабоева (Тошкент) учинчи ўринни эгаллади.

Профессионал хонандалар орасида ака-ука Муҳсинбек ва Яҳёбек Мўминовлар (Фарғона) ғолиб бўлдилар. Тошкентдан Ғиёс Бойтоевга иккинчи ва Абдурашид Йўлдошевга учинчи ўрин берилди.

Ғолиблар "Ягонасан, муқаддас Ватан!" танловининг якуний босқичида иштирок этадилар.

# БИР СЎЗ БОР ДУНЁДА ИМОНДАЙ УЛУҒ

**Бошланиши биринчи саҳифада.**

Ўтган ҳафта Юртбошимиз Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихида янги саҳифа очилганлиги муносабати билан, яъни мамлакат халқининг турмуш фаровонлигини ошириш, дастурхони тўкинлигини таъминлаш йўлида мардонавор меҳнат қилиб, 7 миллион тонналик юксак ғалла хирмони уйган деҳқон ва фермерларимиз, дала меҳнаткашларига самимий табрик йўлладилар. Ён атрофимиздаги қўшни давлатлардаги аҳволни кўриб, эшитиб турибмиз: бир томондан бу йилги об-



ҳавонинг кескин ўзгариши, қолаверса, экологик вазиятнинг мураккаблашуви, хуллас, турли қийинчиликлар туфайли, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида кутилмаган ноқулай вазият юзага келмоқда. Бизда эса, кўз тегмасин, кексаларнинг дастурхон ва пайкал бошида Яратгандан чин дилдан сўралган ёруғ дуолари ижобат бўлди. Президентимиз таъбири билан айтганда, "...бугунги кунда Ватанимиз ғалла мустақиллигига эришиб, ҳар томонлама тўқчиликни қўлга киритганимиз, керак бўлса, ғаллани экспорт қилиш имкониятига эга бўлганимиз" учун ўлкамизнинг турли ҳудудларида она тупроқдан "олтин" ундираётган бободеҳқонларга минг бора таъзимлар қилсак арзийди.

Шу баҳона кўнгилдан кечган айрим ўйлар, тўғрироғи, ҳамкасбларим, қаламкашларга тегишли бир гапни айтишни жоиз деб биламан. Биз турли оммавий ахборот воситалари — матбуот, радио, телевидение ёки бошқа ижодий уюшмаларда хизмат қилаётган ижодкорлар (шу жумладан, санъат соҳаси вакиллари, киночилар, рассомлар ва ҳоказо) ўз асарларимиз учун очиқчасига тан олайлик, баъзан "сунъий" қаҳрамонлар яратишга уриниб юрамиз. Ахир, ёнгинамизда, биз билан бир маҳалла, қишлоқ ёки овулда бутун умрини дала ёки нефт-газ тармоқларида, темир йўл ёки меъморлик соҳасида, хулласи калом, юртимизнинг бунёдкорлик майдонларида, эл-улус орасида, савобли ишларга бағишлаганлар кўп-ку! Тўғри, бу борада айрим иқтидорли ижодкорларнинг ёзган китоблари ҳам чоп этилди, лекин улар денгиздан бир томчи, холос. Мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватанимиз довруғини дунёга танитиш, эл-юрт фаровонлигини таъминлаш йўлида фидойилик намуналарини кўрсатиб ишлаётган турли ёшдаги кишилар ҳақида биз ёзмасак, четдан ҳеч ким роман ёки қисса битиб, бадиий ёки ҳужжатли филмлар ишлаб бермайди. Албатта, 19 йил тарих учун бир киприк қоққанчалик фурсатдир, лекин қадимда ҳам давлатчилик тажрибаларига эга бўлган ва 1991 йилдан бошлаб мустақил давлат сифатида ҳам жамият қурилиши, ҳам ўз халқи манфаатларини бутунлай қайтадан ислоҳ этишни "нол"дан бошлаган Ўзбекистонимиз учун ушбу муддат асрларга тенг, десак ҳеч муболаға бўлмайди. Энди эса навқиронлик даври бошланди. Демак, биз учун ҳам чин маънода ёниб, жўшиб ижод қилиш дамлари келди.

"Ватан суратини чизиб беринг" дея олти ё етти ёшли болакайга мурожаат қилсангиз, у ҳеч иккиланмасдан, аввало, мўъжазгина уйи, ота-онаси, ўзининг энг яхши кўрган ўйинчоғу қўғирчоқларини ўз тасаввури доирасида тасвирлашга уринади. Ана энди ақлишуурини таниб, дунёни, ўзлигини англашга интилаётган навқирон ўғил-қизингизга шу топшириқни берсангиз борми, у сира иккиланиб ўтирмайди. Ҳар куни кўз ўнгида гўзал ва кўркам, обод ва фаровонлик рамзи сифатида гуллаб-яшнаётган Ўзбекистонимизнинг бетакрор манзараси бор бўйи басти билан гавдаланганı боис эмин-эркин чизиб бераверади...

Бу сурат, сиз тағин ўйламанг, фақат ана шу балоғат ёшига етган йигит-қизларнинггина эмас, балки бир умр ота-бобоси, авлод-аждоди ўзини шу муқаддас заминнинг фарзандиман дея азизу мукаррам билган ҳар бир инсоннинг кўз қорачиғидагина акс этаётгани йўқ, балки юрак-юракларигача сингиб кетган, илдиз отган.

Дарвоқе, бу ҳайрат ва ҳаяжонларни на сўзга, на таърифу тавсифларга сиғдириб бўлади. Улар эса секин-аста кўнгилдан шеърга кўча бошлайди:

### ВАТАН СИЗДАЙ...

**Ватан сиздай хокисор, буюк,**
**Хайрлашиб, қучоқлар яна.**
**Ватан сиздай кўкси доғ, куюк,**
**Ўзингизга ўхшайди, Она!**

**Ватан сиздай содда, тўпори,**
**Еру осмон икки кифтида.**
**Ватан сиздай ғурурли, орли,**
**Ота, Ватан сизсиз аслида.**

**Ватан сиздай беғубор, дардли,**
**Дунёларга тўлмаган кўнглим.**
**Ватан сиздай соғинчи оғир,**
**Ватан — оғам, опам ва синглим.**

**Ватан сиздай кўксида қуёш,**
**Порлаган эл — қора кўзимиз.**
**Ватан бу — Кеш, ё қадимий Шош,**
**Ватан асли бизнинг Ўзимиз!..**

**Норқобил ЖАЛИЛ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

# ТЎЙ МАЪНАВИЯТИ

Абдушукур Абдуллаевнинг "Шовқин темирни ҳам синдиради" сарлавҳали мақоласида кўпчиликни ўйлантираётган муаммо кўтарилган. Шу муносабат билан тўй ва тўйлардаги шовқин-суронли мусиқа ва унинг саломатликка таъсири ҳамда маънавиятимизга боғлиқ жиҳатларига доир мулоҳазаларимизни ўртага ташлашга жазм этдик.

Ахир, ҳар қандай тўй хурсандчилик нишонаси эмасми? Тўй яқин биродарларнинг дийдорлашуви, ўзаро фикрлашиши орқали, қолаверса, қўни-қўшни, таниш-билиш, хеш-ақраболар ўртасида меҳр-муҳаббат ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ҳозирги тўй-ҳашамларнинг кўпчилигида эса хонандаларнинг шовқин-суронли ашулалари биринчи ўринга чиқиб, тўйларнинг асл моҳияти унутилиб қолмоқда.

Ҳолбуки, ҳар қандай тўй орқали аждодларимиз миллий урф-одатларни кенг ёйишга, бирдамлик ва ҳамжиҳатликни улуғлашга асосий эътибор қаратишган.

Тўйларимиз билан боғлиқ жуда кўп урф-одатларимиз миллий маънавиятимиз моҳиятини англатиб туради. Никоҳ тўйида қиз куёвникига жўнаш олдидан отасининг оёғига, баъзи жойларда эса елкасига бош эгиб, таъзим қилади. Хўш, ота-боболаримиздан қолган бу одат орқали қандай ният илгари сурилган?

Азалдан ўзбек хонадонларида ота қизининг ҳаё ва ибоси учун масъул бўлган, бу шарафли вазифани бажариб, эл-юрт олдида обрў қозонишни ўз мажбурияти деб қабул қилган. Ана шу қоидалардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, оппоқ гулдай очилган келинчак уйи билан хайрлашиш олдидан: "Эй, ота, нариги хонадонда Сизнинг шаънингизга доғ туширмайман", деган маънода отасига бош эгади. Чунки ҳаёсизлиги ошкор бўлиб уйига қайтган қизнинг отаси жисман яшаши мумкин, аммо у маънан ўлган бўлади. Эркак учун қизининг ибоси, иффатидан шарафлироқ, улуғроқ нарса борми?

Азалдан ўзбек хонадонларида қиз фарзанд дунёга келиши билан уни тарбиялашга алоқадор талай қоидалар яратилган, оналаримиз уларга қатъий амал қилиб келишган. Айтайлик, қиз боланинг кийимлари оиладаги эркак ёки йигитларнинг кийимига қўшиб ювилмаган ва тўғри келган дорга осилавермаган. Бунинг нозик маънолари бор. Қиз болани гулдай тоза сақлаш ва унга гард юқтирмаслик орқали покизалик туйғулари сингдирилган.

Хўш, ота-боболаримиз миллий туйғуларни шакллантириш воситаси сифатида эъзозлаб келган тўйларимиз ва улар билан боғлиқ урф-одатларимиз моҳияти унутилиб, баъзи жойлардаги тўйлар маънавиятсизлик урчийдиган жойга айланиб қолишига ким айбдор? Ҳозир ҳатто никоҳ тўйи кечаси келин-куёвнинг валсга тушиши кузатилмоқда. Ахир, валс бу миллий рақс дегани эмас. Бу одат бизга қаёқдан кириб келди. Унинг Ғарбнинг "оммавий маданияти"га алоқаси йўқмикан? Валс пайти ёруғ чироқлар ўчирилиб, ранглилари ёқилади. Бундан мақсад нима? Валс тушаётганларнинг ҳаёсиз хатти-ҳаракатини бекитиш учунми? Бундай валсларда келин-куёвгина эмас, ёши бир жойга борганлар, ароқ ичган эркаклар, вояга етмаганлар ҳам иштирок этишаётир. Ачинарлиси, валснинг туб моҳиятини англаб улгурмаган норасидаларни кузатиб, хафа бўлиб кетасан, киши. Хуллас, икки жинс вакилининг қучоқлашиб валсга тушиши миллий маънавиятимиз, шарқона фазилатларимизга мос эмас.

Баъзи вилоятларда тўйларга раққоса таклиф этилади. Ҳақиқий рақс санъатидан бехабар, маънавияти ночор аёл ўзи хоҳлаганча "томоша" кўрсатади. Қарабсизки, даврада ўтирган эркакларнинг аксарияти кайфи зўрлигидан чўнтагидаги бор пулини енгилтабиат рақкосага қистириб юборади. Оила иқтисодига қанча зарар етказганини эртасига англаб қолади. Аммо энди бефойда. Бу ҳол уларнинг аёллари кайфиятига салбий таъсир этмайдими?

Масаланинг яна бир томонини айтмасдан бўлмайди. Ўйинчи пул йиғиш мақсадида ноз-карашма, ҳаёсиз қилиқ қилади, даврада ўтирган баъзи кишилар унинг ҳаракатларидан ҳаё қилибми, тезроқ шу ердан нарироққа борсин, деб ҳам пул узатиб юборишади. Энг ёмони, рақкосага жавобан бўлган муносабатни ўша эркакнинг бўйи етган қизи ҳам кўриб ўтиради. Эркакларнинг ўша ўйинчи билан рақсга тушиши эса оилалардаги эр-хотин муносабатларини янада чигаллаштириб юборади. Яъни, тўйнинг эртасига эр-хотин ўртасида "томоша" бошланади. Видеотасмаларда ҳар гал эрининг нотабиий ҳаракатларини кўрган аёл қайтадан жанжал бошлайверади, оқибатда оила маънавиятига дарз кетади.

"Шовқин темирни ҳам синдиради ёхуд кўринмас оғу" мақоласи муносабати билан тўйларимиздаги айрим муаммоларни тилга олиб ўтдик. Хонандаларнинг қулоқни батанг қилиб, соғлигимизга кўринмас зиён етказаётган шовқини остида кўпинча бу муаммоларни кўрмасликка ҳаракат қиламиз. Гўё ҳамма нарсани мусиқа шовқини босиб кетадигандек. Йўқ, анойи бўлмайлик. Шовқин-суронли мусиқа билан тўйлардаги миллий удумларимизга зид хатти-ҳаракатлар, ҳаёсизликларни ёпиб бўлмайди. Ундан кўра, тўйларимизни миллий удумларимизга, халқимиз минг-минг йиллар мобайнида яратган маънавият мезонларига мос, мусиқа овозига тиббиёт ходимлари томонидан белгиланадиган меъёрларни сақлаган ҳолда янада чиройли ва гўзал қилиб ўтказиш ҳақида ўйлайлик.



**Зиёда ҒАФФОРОВА,**
**Республика Маънавият тарғибот маркази Маънавий-маърифий тарғибот бўлими мудири**

### Акс садо

# БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК

***"Шовқин темирни ҳам синдиради"***
***"ЎзАС", 2010 йил 19 июл***

Техника фанлари номзоди Абдушукур Абдуллаевнинг мазкур чиқишида маиший турмушимиздаги энг долзарб муаммо кўтарилгани учун ҳам мақола тиббиёт ходимлари орасида катта қизиқиш уйғотди. Кўп йиллардан бери экология соҳасида илмий-тадқиқот олиб бораётганим сабабли мен ҳам шу масала юзасидан ўз мулоҳазаларим билан ўртоқлашишни лозим топдим. Тиббиётга доир илмий адабиётларда шовқиннинг саломатликка салбий таъсири, бунинг натижасида содир бўладиган ўзгаришлар яхши ўрганилган. Муаммонинг ижтимоий ва психологик жиҳатлари муҳим аҳамият касб этгани боис кўпгина мамлакатларда атроф-муҳит гигиенасини ўрганишда шовқин таъсирини баҳолашга катта эътибор қаратилади.

Шовқиннинг саломатликка таъсири биринчи марта 1974 йили Кубада меҳнат гигиенаси соҳасида ўрганила бошланган. 1979 йили шовқиннинг коммунал, 1984 йили эса мактаб гигиеналарига доир жиҳатларини ҳам ўрганишга киришилган. Текширишларда шовқин кучи 85 децибллдан ошганда ишчиларнинг 44 фоизида эшитиш қобилияти вақтинча бузилгани кузатилган. Тўқимачилик фабрикасида ишловчи 700 ишчининг 300 тасида эшитиш ҳолати бузилгани аниқланган.

Шуни ҳам айтиш керакки, эшитиш даражаси ўрганилганда аёлларнинг шовқинга нисбатан камроқ сезувчанлиги кузатилган. Бироқ тўқимачилик фабрикалари ишчиларида шовқин таъсирида эшитиш қобилияти пасайишидан ташқари, кучли чарчоқ аломатлари ҳам кўзга ташланган. Катта йўлларга яқин жойда яшовчи уй бекалари кўча шовқинидан ўзларини ёмон ҳис этганлар. Тўрт юзта уй бекаси эса текширув жараёнларида шовқин таъсирида кўпинча уйқуси бузилишидан шикоят қилган. Шаҳарларда яшовчи аҳоли ҳар хил шовқинлар, асосан, механик шовқинларни ёмон қабул қилганлар.

Аҳоли яшайдиган кўп қаватли уйлар ҳам шовқинни ютувчи мосламалар билан жиҳозланмагани туфайли шовқиннинг салбий таъсири остида бўлади. Мактаб гигиенаси соҳасидаги кузатувлар болалар боғчаларида кундузги дам олиш пайтлари ички ва ташқи шовқинлар меъёрдан анча юқорилигини кўрсатмоқда.

Олим В.Андрианов тебраниш машиналари, бетон билан ишловчи, шунингдек, силкинувчи стол ва платформаларда ишловчи бир юз уч беморнинг саломатлигини таҳлил қилиб, шовқин уларнинг марказий асаб тизимига таъсир кўрсатганини аниқлади. Шовқин кўпинча аъзои баданимизда органик ўзгаришларни чақирувчи руҳий невроз ҳолатини келтириб чиқаради. Шовқин туфайли келиб чиққан тебраниш касаллигида юрак-қон томирлари фаолияти ҳам бузилиши мумкин.

Темир-бетон конструкциялари билан ишловчи қурувчиларда марказий ва ёндош асаб тизимидан ташқари, юрак-қон томирлари ҳолатида ҳам ўзгариш кузатилган. Электрокардиография текширувида юрак бўлмачалари ичида ўтказувчанлик ўзгариб, юрак фаолиятида етишмовчилик юзага келиши аниқланган.

Тебраниш оқибатида касалланган беморларда қон таркибидаги қанд миқдори ўзгаргани қайд этилган. Шунинг учун ҳам пармалаш ва бурғилаш жиҳозлари билан ишловчилар, бетон қорувчилар қондаги қанд миқдорини, албатта, текширтириб туришлари шарт.

Ишлаб чиқаришдаги тебраниш ҳолати эшитиш функцияларига ҳам таъсир қилади. Темирбетон заводида текширувга жалб этилган 227 ишчининг 76,7 фоизи шовқин тўлқинлари таъсирида бош оғриғи, 65,5 фоизи бош айланиши, 35,5 фоизи эшитув қобилиятининг пасайишидан шикоят қилган. Текширувларда 30 ёшгача бўлган кишилар бундай ўзгаришга энг кўп (54,2 фоиз) учраши маълум бўлди.

Ишчиларда бош айланиши кўпинча иш пайти, шунингдек, дам олиш пайтида ҳам яққол сезилади, яъни қулоқнинг зарарланиши учун характерли бош айланиш кузатилади. Бунинг натижасида уларнинг айримлари касалхонага ётқизилган.

Шундай қилиб, шовқин таъсирида ишлаган 227 ишчининг кўпчилигида эшитув функцияси ўзгариши яққол кўзга ташланган. Уларда қўлларнинг ҳар томонга силкиниши, бирданига йиқилиб кетиш ҳоллари намоён бўлган. Тикув цехларида ишлайдиган ишчилар ҳам шовқиннинг бундай салбий таъсирларидан холи эмас.

Кучли шовқин асаб тизимига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида нафас олиш маркази юқори даражада қўзғалиб, томир уруши кескин сусаяди, электрокардиограмманинг ўзгариши, тери ҳароратининг кўтарилиши кўзга ташланади.

Шуни айтиш зарурки, шовқиннинг салбий таъсири болаларда кўпроқ сезилади. Шовқиннинг кучи 50-60 дециблл бўлганда ҳам болаларнинг эшитув ва иш қобилияти жиддий зарар кўради.

Ўқув устахоналарида шовқиннинг юқорилиги назарда тутилиб, ўқув хоналари товуш ютувчи акустик материаллар билан жиҳозланишининг боиси ҳам шунда. Бинобарин, Абдушукур Абдуллаевнинг мақоласида айни вақтида айтиб ўтилганидек, шовқин тўйхонадами, ишлаб чиқариш корхонаси ёки ўқув жараёнларидами, қаерда бўлишидан қатъи назар меъёрдан ошса саломатлик учун хавф туғилади. Яъни шовқин таъсирида марказий ва бошқа асаб тизимлари, эшитиш аъзолари, юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларида жиддий ўзгаришлар келиб чиқади.

Бундай ҳолларнинг олдини олиш нафақат тиббиёт ходимлари, айни чоқда, ҳаммамизнинг муҳим вазифамиз. Тўйлардаги мусиқа овозининг ҳаддан зиёд даражада баланд қилиб қўйилиши, мусиқа шовқинининг саломатликка зарари аён экан, демак, унга нисбатан бепарво бўлмаслигимиз, бундай ҳолларга нисбатан ўз сўзимизни айтишимиз, бинобарин, қатъий чоралар белгиланишига эришмоғимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

**Давлат ҚЎЛДОШЕВ,**
**Халқаро экология, инсон ва атроф-муҳит хавфсизлиги академияси академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор**

***Мен оддий бир зиёли, газетхон сифатида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг ҳар бир сонини мунтазам кузатиб бораман. Ижтимоий ҳаётимиз, санъат, маънавиятга, қўйингки, кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тааллуқли мақолалар, янгилик, муносабат-мулоҳазаларни қизиқиб ўқийман. Айниқса, кўпчилигимизни ташвишга солаётган муаммо — ёшлар тарбиясига салбий таъсир этаётган "оммавий маданият"га оид чиқишлар менга манзур бўлмоқда. Президентимизнинг «Баркамол авлод йили» давлат дастури тўғрисидаги қарорида «Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларнинг ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан "оммавий маданият" хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш» асосий вазифаларимиздан бири этиб белгиланган.***

### Мулоҳаза учун мавзу

# АЙБ ЎЗИМИЗДА

Биз кўп ҳолларда ўқувчи ёшларнинг тарбияси мураккаблашиб бораётганидан шикоят қиламиз. Аммо уларнинг тарбиясини яхши томонга буриш фақат ота-она, мактабнинг иши эмас. Тарбия барчанинг иши. Биз катталарнинг ҳар бир босган қадамимиз ёшлар учун ибрат бўлмоғи шарт. Тарбияси оғир ёшлар тўғрисида кўп гапирамиз, амалга келганда эса... Оддий мисол: тўйларда ичкилик масаласи қайта-қайта кўтариляпти. Бироқ бу борада яқин ўтмишимизда шаклланган ярамас тушунчалардан қатъий воз кечишимиз қийин бўляпти. "Қўлбола ҳофиз"ларимиз эса алмойи-жалмойи қурама сатрларни қулоқни қоматга келтирадиган «мусиқа»га солиб, тўйни «қизитишади». Тўйчиларимиз бундан хурсанд. Савиямиз шунга яраша. «Қизиқ»чиларимиз даврага чиқиб олиб, русча айтганда «интим» муносабатлар тўғрисида бепарда латифалар айтишади. Биз мириқиб куламиз. Бозор иқтисодиёти баҳонасида шарм-ҳаёсиз реклама-роликлар экранларимиздан тушмай қолгани-чи? Айтишингиз мумкин: ким сизни мажбур қиляпти, кўрманг, эшитманг деб. Аммо ўйлаб кўринг, сиз ҳовлингизни гулзор қилиб, гул-райҳонлар ҳидига тўлдириб қўйсангизу, теварак атрофингиздаги айрим хонадонлардан сиз томонга бадбўй анқиб турса, истанг-истаманг нафас олишга мажбурсиз-ку.

Энди параболик антенналар ҳақида... Тўғри параболик антенналар давр ютуғи. Улардаги яроқсиз каналларни ақлли, фаросатли ота-она кодлаб-қулфлаб қўяр. Аммо бунга ақли етмаса-чи?! Яқинда хориж телеканалида ёшлар тарбияси билан боғлиқ кўрсатув берилди. Унда ёшлар томонидан ўта шафқатсиз равишда одам ўлдириб кетиш ҳолатлари кўрсатилиб, таҳлил қилинди. Унда Россия соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги руҳшунослик илмий-текшириш институти ходими телевидение ва ДВД дискларидаги даҳшатли филмлар ёшлар тарбиясини бузаётгани борасида сўз юритди.

Деҳқон экинни парвариш қилар экан, бегона ўт-ўланларни юлиб ташлайди, қурт-қумурсқа, ҳайвонлар ва қушлардан ҳимоя қилади. Боғбон ҳам ортиқча шох-шаббаларни кесиб, ўз вақтида дорилаб, парваришлайди. Чорвадор наслли, зотли мол олиш учун ҳаракат қилади. Нега биз фарзанд тарбиясидек ўта муҳим масалага келганда ўз касбининг устаси бўлган оддий деҳқон, боғбон ёки чорвадорчалик бўла олмаяпмиз? Нега фарзандларимизга ҳар куни ҳеч бўлмаганда бир соат вақт ажратмаймиз? Сигир-бузоғимиз, қўйимизнинг ем-сувидан хабардор бўлганимиз ҳолда, айримларимиз фарзандларимизнинг нечанчи синфда ўқишини билмаймиз. Китоблар қиммат эмиш?! Бир кило хандон писта 25-30 минг сўм, бодом 10-14 минг сўм, гўшт 7,5-10 минг, спиртли ичимлик 3 мингдан 100 минг сўмгача бўлгани ҳолда улардан пулни аямаймиз. Аммо фарзандимизга яхши бир бадиий китобни олти-етти минг сўмга олиб беришга оғринамиз. Ўқувчилар орасида сўров ўтказилганда аён бўладики, айрим оилаларда йиллаб ҳатто бирорта янги бадиий китоб сотиб олинмайди. Ваҳоланки, алломаларимиз бежиз "Кимки китоб ўқишдан тўхтабди, у фикрлашдан тўхтабди", демаганлар.

Кўп айтилган бўлса-да, таъсири сезилмаётган яна бир гап: ўқувчилар дафтарлари муқовасига яримяланғоч «Эстрада юлдузлари»нинг, хориж филмлари қаҳрамонларининг турли-туман расмларини босиб чиқариш давом этмоқда. Хўш, шу дафтарни чиқарган тадбиркор, ишбилармонга қонун йўли билан талаб қўйиш мумкин эмасми? Дафтарлар муқовасига буюк алломаларимиз суратлари, уларнинг ибратли фикрлари, лицей-коллежларимиз кўринишлари, ўқиш-ўрганишга даъват этилган рекламалар босилса бўлмайдими? Албатта, бўлади. Фақат масаланинг моддий томонини эмас, маънавий жиҳатларини ҳам ўйлашимиз керак-да.

Маза-матрасиз ашулани кунига ўн марталаб такрорлаб, эшиттириб туришса қулоғингиз шунга ўрганиб қолмайди. Тўйлар, кичик давраларни назорат қилиб бўлмас, аммо радио-телевидение орқали берилаётган қўшиқларни шоир ва бастакорлар кўригидан ўтказиб, сўнгра эфирга бериш мумкин-ку!

Нақл қилишларича: ўтмишда бир ҳукмдорга икки шоир бир хил мазмундаги икки шеър тақдим қилибди. Биринчисиники, ҳеч қачон кишиларга ёмонлик қилма, кимга нисбатан ёмонлик қилсанг, ёмонлик кўрасан, иккинчи шоирнинг шеъри ҳамма вақт яхшилик қил, яхшиликка интил, шунда ҳаммадан яхшилик кўрасан, деган мазмунда экан. Ҳукмдор биринчи шоирга эллик тилла, иккинчисига эса юз тилла мукофот берибди. "Жаноби олийлари, бир хил мазмунда эди-ку! Нега бундай йўл тутдингиз", деб сўраганларида, ҳукмдор: "Тўғри, аммо биринчи шоир фикрини ёмонлик оқибати билан изоҳласа, иккинчиси яхшиликни улуғлади. У тўғридан-тўғри кишиларни яхшиликка ундади", деб жавоб берган экан.

Демоқчимизки, тарбия мураккаб жараён. Киши табиатидаги қусур-камчиликларни фақат танбеҳу дашном бериш, танқид ва қоралаш билангина бартараф этиш қийин. Ёмонни ёмонсан дея вериш билан мурод ҳосил бўлавермайди. Ва аксинча, яхшиликни тарғиб этсак, асарларимизда ижобий хислатли кишиларни кўпроқ тасвирласак тўғри йўл тутган бўлармидик.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида шундай жумлалар бор: «Оддий қилиб айтганда, куч-ғайрат билан бирга, билим ва тажрибаси, ақл-идроки, касб малакаси етарли бўлган, қонунларни, ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятларини яхши билган одамгина тадбиркорлик ёки фермерлик билан шуғулланиши, ўз хусусий ишини оқилона ва самарали ташкил этиши мумкин».

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ўз ишини яхши ташкил этган матбаачи ҳеч қачон «Умумий дафтар»да ярим яланғоч «эстрада юлдузи» ва шунга ўхшаш расмларни босиб чиқармайди. Таниқли адиб Тоҳир Малик бир суҳбатида шундай деган эди: «Агар ёшларнинг тарбияси ёмон бўлса, демак, биз ёмонмиз. Демак, тўғри тарбия бера олмаяпмиз. Нима учун айбни ўзимиздан қидирмаймиз? Ота-оналарнинг вазифаси фарзандини фақат дунёга келтириш эмас, келтирган дунёсига мос қилиб, тарбиялаб бериши лозим».

Ҳақ гап. Умид қиламизки, халқимизнинг илғор қатлами ҳамда баркамол авлод саъй-ҳаракати билан келгусида ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Чунки биз улуғ халқмиз, улуғ аждодлар ворисимиз. Буни ўз ўрнида аллома шоир Ғафур Ғулом шундай таъкидлаган эди:

**Қадим ўзбек халқисан,**
**асл одам авлоди,**
**Миср эҳромларидан**
**тарихинг қарироқдир.**
**Хоразмнинг ҳар гиштида**
**боболаринг ижоди,**
**Англо-саксонлардан**
**анча юқорироқдир...**

**Абдулла МАМАТҚУЛОВ,**
**ўқитувчи**

*Каттақўрғон*

Матншунослик муаммолари

# МАТН ҲАҚИҚАТИ

Матншунослик, яъни матн ҳақиқатини тиклаш муаммоси "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг доимий мавзуларидан. Дарҳақиқат, адабий меросимизни ўрганиш ва муносиб тарзда чоп этиш ҳамма вақт долзарб вазифа саналади. Шу маънода газетада ("ЎзАС", 2010 йил, 2-июл) эълон қилинган "Матншунослик давр талаблари даражасидами?" номли давра суҳбатида айтилган мулоҳазалар, истак ва таклифлар, аввало, бу соҳа мутахассисларини бефарқ қолдирмаслиги тайин. Табиийки, суҳбатда айтилган айрим фикрлар эътироз ҳам туғдирди. Шунингдек, филология фанлари номзоди И.Бекжонов давра суҳбатига муносабатини билдириб ёзган "Таклифлар жўяли, аммо ..." мақоласида ("ЎзАС", 2010 йил, 16 июл) ёзади: "... ҳақиқатан ҳам бу нашрлардаги (гап Навоий мероси нашрлар ҳақида — **В.Р.**) кичик хатоларни излаш ўрнига, кучимиз ва тажрибамизни ана шу улкан иш учун сарфлашга тўғри келади. Чунки токи илмий-танқидий матн амалга ошмас экан, нашрларда хатоларнинг кўплаб учраши оддий ҳол бўлиб қолаверади", деб ёзади.

Бизнингча, матншуносликда "кичик хатоларни излаш" майди ишга кирмайди, аксинча, кучимиз, тажрибамиз ана шу "кичик хатолар"ни топишда кўринади. Матн ҳақиқатини тиклашда, мумтоз адабиётимиз намуналарини нашр этишда ҳар бир белги, ҳарф, сўз мутахассиснинг зийрак назаридан ўтсагина "улкан иш"нинг муваффақиятини таъминлаш имкони туғилади.

Камина ҳам ярим асрдан бери шу соҳага қизиқиб, қўлимдан келганча мумтоз адабиётимиз намуналарининг матн савиясини яхшилашда икки йўналишда меҳнат қиламан: биринчиси, у ёки бу мумтоз асарнинг биздаги нашрларидан кўнглим тўлмаса, ўзим ўша асарларни араб ёзувидан бошқатдан нашрга тайёрлайман. Чунончи, Алишер Навоий "Лисон ут-тайр" достонининг икки нашри (1992 йили кирилди, 2005 йили лотин ёзувида, "Хамса"нинг беш достони (2006 йили лотин ёзувида); иккинчиси, бошқа олимларимиз нашрга тайёрлаган асарларга масъул муҳаррирлик қиламан. Чунончи, "Ўзбек адабиёти бўстони" туркумидаги китобларнинг тўққизтаси, Машраб "Девони"и сингари нашрлар менинг таҳриримда чиқди. Қўлга қалам олиб, мен тайёрлаган мумтоз матнлардан уч-тўрт сўздаги хатони тузатган кишини пешонасидан ўпиб, "Яшанг!", дегим келади.

Ўтган йили қадрдон газетамизда ("ЎзАС", 2009 йил 4 сентябр) ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Юсуф Турсуновнинг "Истамак"ми ёки "эснамак?" сарлавҳали мақоласини ўқиб чиндан қувондим. Қувонганимнинг боиси, мен "Лайли ва Мажнун"ни қайта нашрга тайёрлашда Юсуф Турсунов қиёсий таҳлил қилган достон матнидан ҳам фойдаланган эдим. Демак, айримларига яхши аҳамият бермаган бўлсам керак, деб ўйладим. Шу маънода олимдан миннатдор бўлдим.



Мақолани ўқиб, ўзимча мулоҳаза қилдим: муаллифнинг "Лайли ва Мажнун" достонидан келтирган "тузатилган" тўрт байтига ишонсак, ҳозиргача шу достонни нашрга тайёрлаган барча олимлар ушбу байтларни хато ўқиган бўлиб чиқади.

Матшунослик ютуғи — асарнинг тайёрланган илмий-танқидий матни ҳисобланади. Бу нусха илмдаги нуқта қўйилган сўнгги сўз демакдир. Нашрда энди шунга амал қилиш керак, холос.

Достон матнини илмий тадқиқ этиб, кўплаб мўътабар нусхалардаги ҳар бир сўзни бир-бирига taққослаб илмий-танқидий матн тузган олим Ғулом Каримов ўзининг меҳнати хусусида шундай ёзади: "Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонини нашрга тайёрлашда ...1945 йилда кандидатлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилинган достоннинг илмий-танқидий матни асос қилиб олинди. Бу илмий-танқидий матн,... энг мўътабар ва энг эски нусхалар асосида ҳозирланган эди: 1) Ўзбекистон ФА Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтидаги 5018 инвентарь номерли XV асрга мансуб қўлёзма нусха: 2) Ўзбекистон ФА Адабиёт музейидаги 149 инвентарь номерли XV асрга мансуб қўлёзма нусха: 3) Ўзбекистон ФА Фундаментал кутубхонасидаги 208 инвентарь номерли XVI асрга мансуб қўлёзма нусха: 4) Шоҳмурод котиб томонидан кўчирилиб, 1904 йилда Тошкентдаги Порцев литографиясида босиб тарқатилган нусха (Алишер Навоий, "Хамса", "Лайли ва Мажнун", Ўзбекистон Давлат нашриёти, Тошкент, 1949, 22-бет).

Ю. Турсунов ўзи даъво қилаётган байтларини неча нусхага солиштириб кўрган, билмадим. Бироқ мен бу достонни нашрга тайёрлашда беш нусхага таянганман. Демак, биз кўрган нусхалар тўққизта. Матншуносликда бирор фикрга ҳақиқат нуқтасини қўймоқчи бўлган олим шу соҳада ҳеч бўлмаса 500 атрофида ўзбек ва форс-тожик адабиёти намуналарини тушуниб ўқиган бўлиши, уларни ақл чиғириғидан ўтказиб ўзлаштирмоғи лозим. Чунончи, Ю. Турсунов:

**Одамий эрсанг, демагил одами,**
**Оники йўқ халқ ғамидин ғами** —

байтига нисбатан матбуотда айтилган ноҳақ даъволар масаласига дахл этган. Яхши дахл этган:

**Одамий эрсанг, демагил одамий,**
**Оники йўқ халқ ғамию дин ғами** —

тарзидаги ҳолат ғайриилмий эканлигини айтган. Бироқ асос етарли эмас. Агар муаллиф Саъдий Шерозий асарларидан яхши хабардор бўлса эди, Алишер Навоийнинг бу буюк шоир асарларидаги умумбашарий фикрларидан таъсирланганини ҳам пайқар ва ўша масалада фикрнинг илдизига етиб, асосли нуқта қўйган бўларди.

Хўш, байтнинг навоиёна варианти тўғрилигини қандай исботлаш мумкин эди? Гап шундаки, Алишер Навоийнинг юқоридаги фикри Саъдийнинг машҳур "Гулистон" асаридаги қуйидаги байтдан озиқланган:

**Ту к-аз меҳнати дигарон беғами,**
**Нашояд ки номад ниҳанд одами.**

Мазмуни: *Сен ўзгалар машаққатидан беғам бўлсанг, Сени одамий ҳисоблаш мумкин эмас.*

Ана шу икки байтнинг биронтасига "дин" сўзини қўшиб бўлмаганидек, муаллифлар ўша байтларда динни назарда тутмаганлар. Шунинг учун байтнинг: "Одами эрсанг, демагил одамий, Оники, йўқ халқ ғамидин ғами" ҳолати ўзи тўғридир.

Ю.Турсунов мақоласида тўртта байтдаги мавжуд бўлмаган хатони тузатишга уринган. Биринчиси, шу эди. Иккинчи тузатмоқчи бўлган байти:

**Ул иш неки воқиъ ўлди бехост,**
**Бир-бир деди ул икисига рост.**

Мақола муаллифи матндаги "иш неки" сўзларини "ишники" тарзида тўғри ўқиш кераклигини талаб қилиб ёзади: "Бу байт достоннинг барча нашрларида, 1949 йилда асарнинг илмий-танқидий матнини тузган Ғ.Каримов нашридан тортиб, энг сўнгги 2006 йилда В.Раҳмонов томонидан амалга оширилган нашргача айнан шундай кўринишдадир".

Мен қизиқиб Алишер Навоий "Мукаммал асарлар тўплами"нинг 9-жилди — "Лайли ва Мажнун" достонининг XII бобидаги бу байтга кўз югуртирдим. Бу даъвосида адабиётшунос ҳақ: даҳо шоир байти зарар кўрган, "ишники" сўзи нотўғри кўчирилган экан. Сўнгра шу нуқсонни достоннинг илмий-танқидий матн асосида тайёрланган 1949 йилги нашрида ҳам кузатдим. Нашрга тайёрловчи матнни хато ўқиган. Қизиқ, олим Ғулом Каримов араб ёзувидаги илмий-танқидий матнни тўғри тузгану, кирилга кўчиришда нотўғри ўқиган ва "иш неки" деб кўчирган. Демак, бунда ҳам Юсуф Турсунов ҳақ.

Ниҳоят ўзим нашрга тайёрлаган "Лайли ва Мажнун" достонининг 2006 йилги нашрининг 58-бетига кўз ташлаб, ўша байтни топдим. Матн лотин ёзувида қуйидагича босилган:

**Уш ишники воқиъ ўлди бехост,**
**Бир-бир деди ул икисига рост.**

Демак, матншуноснинг В.Раҳмонов нашрига нисбатан даъвоси нотўғри.

Энди Ю.Турсуновнинг учинчи байтга доир даъвосига келсак. Жонкуяр олимимиз:

**Сендин етиб бу шиддат охир,**
**Кимга тоқойин бу тухмат охир** —

байтига нисбатан қуйидаги мулоҳазаларини баён этади: "Асар қўлёзмасига қиёсланса, бу ўринда ҳам эътирозли жиҳат кўзга ташланади. Биринчидан, тоқайин ёки тақайин сўзини биз "Навоий асарлари луғати"да кўрмаймиз".

Адабиётшунос "тоқойин" деган сўз "Навоий асарлари луғати"да йўқ, деган асосни бизга дадил сифатида манзур этмоқда. Гап шундаки, у йўқ сўз деб даъво қилаётган "тоқ"моқ сўзи "тоқ" ва "тақ" ҳолатларида Навоий ижодида юзлаб маротаба учрайди. Далил сифатида тўрт жилдли "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғат"и учинчи жилдидан мисол келтирайлик:

*Тақ — осмоқ, бўйнига осмоқ; боғламоқ.*

**Банди зулфинг бўйнума тушгач**
**ҳалак этти мени,**
**Итга, жоно, ҳеч ким ўлтургали**
**тақмас марас** (210-бет).

*Тоқ — 1. Осмоқ, боғламоқ.*

**Ҳирс ўлса қаноат ўтиға ёқ ани,**
**Яъники адам риштасиға тоқ ани.**

*2. Тақмоқ, тизмоқ.*

**Фасона айтур устоди суханвар,**
**Бу янглиғ тоқти сўз бикриға**
**зевар** (249-бет).

Кўрдикки, тузатишга суянилган биринчи далил рост бўлиб чиқмади. Энди, иккинчи далилга эътибор қилайлик. Ю.Турсунов ёзади: "Иккинчидан, қўлёзма нусхаларида байтнинг иккинчи мисраси:

**Кимга ёқайин, бу туҳмат, охир?!**

Бунда энди мисрадан маъно чиқариш мушкулроқ, **ёқайин** сўзи ишга тўсқинлик қилаётгандек. Аммо қарангки, **тоқайин** ва **ёқайин** сўзларининг ҳам ёзилишидаги ўзаги бир хил. Шунга кўра, дастлабки ноширлардан бири, котиб бу ўзакка ихтиёрсиз равишда сўз бошидаги икки нуқтани нотўғри қўйиб юборган ва "ё"йи ваҳдат "те"га айланиб қолган, деган фикр билан **ёқайин**ни **тоқайин**га ўзгартирган. Бу "тузатиш" нашрдан нашрга ўтиб келаверган. Аслида эса, ўша мисрага қовушмай турган **ёқайин** сўзини чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўриш керак эди. Зеро, унинг бир эмас, бир неча маънога эга эканлиги "Навоий асарлари луғати"да кўрсатилган. Яъни ёқмоқ — 1. Ёқмоқ (ўт, шам); куйдирмоқ. 2. Хуш келмоқ, маъқул тушмоқ. 3. Нисбат бермоқ, тўнкаймоқ. 4. Суртмоқ, қўймоқ, доғламоқ (дорини).

Кўринадики, бу маъноларнинг учинчиси сўз бораётган мисрага мувофиқ келади. **Ёқайин** сўзини ўзгартиришга қарор қилган шахс назарда тутган сўз бугунги кун тилимизда **тақимоқ** шаклида қўлланади".

Бу матнга доир бизнинг мулоҳазамиз қуйидагича: Ю.Турсунов "котиб бу ўзакка ихтиёрсиз равишда сўз бошида икки нуқтани нотўғри қўйиб юборган ва "ё"йи ваҳдат "те"га айланиб қолган", деб фараз қилади. Ҳолбуки, у биргина нусхага суяниб хулоса чиқармоқда, шубҳани ҳақиқат даражасига етказиш учун мўътабар, қадимий нусхалардан яна бир нечтасига мурожаат этиш лозим эди. "Лайли ва Мажнун" матнини нашрга тайёрлашда мен беш нусха "Хамса"ни қиёслаб матн тайёрлаганман. Шу байтни эсласам бирор нусхада "ёқмайин" варианти учрамади. Матншунослик олимнинг тахминига қараб қолса, матн ҳақиқати синади. Қолаверса, асар танқидий матни илмий даъво учун масаланинг узил-кесил ечими бўлиб ҳисобланмайди. "Лайли ва Мажнун" илмий-танқидий матнни тузган Ғулом Каримовнинг 1949 йилда нашр этган "Алишер Навоий "Хамса", "Лайли ва Мажнун" китобининг 56-бетидан кўчирамиз:

**Сендин етибон бу шиддат охир,**
**Кимга тоқойин бу туҳмат охир?!**

Демак, матндаги "тўнкамоқ" маъносидаги "тоқойин" сўзи ўзи тўғридир. Ю.Турсунов ёзади: "Севишганлар учрашуви баёни билан боғлиқ яна бир байт ҳам мунозарали. Қалби изтиробларга тўла Қайс нигорига ёниб-куйиб сўзлар экан, қаттиқ ҳаяжон туфайли ҳушидан кетади. Лайли унинг бошини бағрига олиб, юм-юм йиғлар экан, кўз ёшлари ошиғининг юзига оқиб тушарди.

Аслиятда ушбу ҳолат:

**Қўйнига олиб нигор бошин,**
**Сочиб юзидин юзига ёшин** —

дея ифодаланган". Ю.Турсуновнинг гапини бошқа қўлёзма нусхалар ва илмий матн тасдиқланмайди. Мўътабар "Хамса"нинг назарда тутилган байти фотонусхасида ҳам даъво қилинган "юзидин" сўзи ўрнида "кўзидин" борлигини ҳар қандай кўзи очиқ одам кўради (қаранг: "Лайли ва Мажнун", 1992, 84-бет). Қолаверса, мен фойдаланган беш нусханинг бирортасида "юзидин", деб ёзилган жойи йўқ.

Энди Ю.Турсунов мақоласининг сарлавҳасига дахлдор байтига келсак:

**Ёш ғунчаға истамак бўлиб иш,**
**Жола тушуб, оғзиға бўлур тиш** —

байтини адабиётшунос "Навоий куллиёти"да: "Ёш ғунчаға эснамак бўлуб иш, Жола тушуб, оғзиға бўлур тиш" тарзида ёзилган, деб даъво қилади.

Мен қатъий хулоса сифатида асарнинг илмий-танқидий матнидан шу байтни манзур этаман:

**Ёш ғунчага истамак бўлуб иш,**
**Жола тушуб оғзиға бўлур тиш.**
(52-бет).

Фикран мен матндаги "истамак"нинг "эснамак" бўлишини жуда-жуда истардим. Бироқ мўътабар нусхалардан бирининг фотонусхада бир нуқта тик ҳолатда, икки нуқта ёнбош ҳолатдаги бир нуқта тарзидадир. Ўша тепадаги "т" нуқтасини остки "ё" нуқтаси билан қиёслаб кўринг. Айнан бир хил. Мен лупа билан ҳам роса тикилдим. Бироқ Ю.Турсунов фикрига қўшилолмадим.

Шудринг тишга ўхшайдими? Мен **жола** сўзини матн мазмуни тақозосича дўл деб ўйладим. Дўл тишга ўхшайди. Насрий баёндаги менинг қўпол хатом — "ғунча"-ни кўпликда ифодалаганим бўлган.

Хуллас, матн ҳақиқатини тиклаш учун байт мазмунини бир томондан эмас, олти томондан кузатиб, сўнг бир тўхтамга келмоқ лозим.

**Ваҳоб РАҲМОНОВ**

Тақриз

# АРЗИГУЛИК ҲОДИСА

Немис тили ва адабиётининг собитқадам тадқиқотчиларидан бири профессор Шавкат Каримовдир. У чет тиллар институтини муваффақиятли тугатгач, шу ерда ўқитувчиликка қолдирилди. "Ўзбек адабиётининг немис адабиётшунослигидаги талқини" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади, бир неча йил немис филологияси факултетига деканлик қилди, ҳозирда эса кафедра мудири лавозимида ишламоқда. Шавкат Каримов олмон тили ва адабиёти масалалари билан қирқ беш йилдан буён мунтазам шуғулланиб келмоқда. У бу мавзуда кўплаб мақола, тадқиқотлар ёзди; "Диллардан — дилларга", "Немис тили", "Немисча-ўзбекча луғат", "Ўзбекча-немисча луғат", "Тилшуносликка кириш" курсидан практикум" каби асарлар нашр этди; ўзимизда ва Германияда ўтказилган турли анжуманларда маърузалар қилди; Берлин, Вена, Бохум, Ена университетларида малака оширди; немисчадан бир неча асарни она тилимизга ўгирди; экран орқали бир неча йил немис тили бўйича сабоқ бериб борди...




"Немис адабиёти тарихи" ("Мумтоз сўз", 2010) дарслиги Шавкат Каримовнинг узоқ йиллик меҳнати, изланишлари, тадқиқотлари натижаси сифатида юзага келди. Ўзбек олимининг немис адабиёти бўйича дарслик ёзиб, нашр эттириши айтишга осон. Бу — ҳазилакам иш эмас.

Дарслик ёзиш учун кўп нарсани билиш, биринчи навбатда, бой тарихга эга икки халқ — немис ва ўзбек адабиётини яхши ўрганган бўлиш, адабиёт назарияси, ижодий жараёндан дуруст хабардорлик, кенг савия талаб этиладики, бу фазилатлар ярим асрдан буён олмон тили ва адабиётини меҳр билан ўрганаётган, ўргатаётган, шогирдлар тайёрлаб келаётган Шавкат Каримовда мужассам эди.

Немис адабиёти тарихи курси талабаларнинг шоирлар, адиблар, китоблар ҳақидаги узуқ-юлуқ тасаввурларини системалаштириши, тарихий адабий жараёнга доир билимларнинг изчил бўлишини таъминлаши, жаҳон маданиятида пешқадам ўринлардан бирини эгаллаган бу адабиёт ҳақида (бир аср мобайнида ушбу тилда ижод қилган ёзувчилардан ўн иккитаси Нобел мукофотига сазовор бўлганини эслаш кифоя) шу пайтгача таълим ўзбек тилида олиб бориладиган гуруҳларда бирорта дарслик ёки ўқув қўлланмаси йўқлиги, мазкур дарслик эса, муҳим маърифий, тарбиявий аҳамият касб этиши, ўқувчиларда комил инсон эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қилишини муаллиф алоҳида таъкидлайди.

Адабиёт фани, немис тилида яратилган адабиёт манбалари хусусида мухтасар сўз юритилгач, хронологик тарзда рицарлик, уйғониш, реформация, бюргерлик даври адабиётлари, халқ китоблари, XVII-XX асрлар, янги, постмодерн адабиётлари, романтизм, натурализм, модернизм, реализм оқимлари, уларнинг кўзга кўринган намояндалари ижоди ҳақида лўнда, муҳим маълумотлар берилади, энг машҳур асарлар таҳлил этилади.

Бир қанча асарлари тилимизга ўгирилгани боис китобхонларимизга яхши таниш Гёте, Ҳайне, Шиллер, Ҳ.Манн, Й.Бехер каби адиблар ижоди тўғрисида кўпроқ маълумотлар берилган, китоблари кенгроқ таҳлил этилгани табиий ва мантиқийдир. Ш.Каримов Гёте ижодига йигирма саҳифа ажратган, унинг "Гетс фон Берлиҳинген", "Эгмонт", "Ифигения Тавридада" пиесалари, "Ёш Вертернинг изтироблари" романи ғояси, образлари, фазилатлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини мароқ билан ўқиймиз. Гёте бутун умри давомида иншо этган машҳур "Фауст" асарини муаллиф меҳр билан таҳлил қилади, "агар энг олий жасорат ихтиро этиш жасорати бўлса, "Фауст" шундай жасорат намунасидир" (Пушкин), дея юксак баҳоланган асар марказида барча мамлакатлар халқлари учун яқин ва тушунарли масалалар қўйилганини, Фауст ўткинчи майда-чуйда ҳавасни хуш кўрмаслигини, бундай ҳаёт унинг дили ва шуури учун ёт эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Дарслик муаллифи ўзбек ўқувчиларига кўпроқ таниш адиблар Лессинг, Шиллер, Ҳайне, ака-ука Манлар, Франс Кафка, Йоганнес Бехер ҳаёти ва ижоди ҳақида кўпроқ ёзгани, янги маълумотлар беришга интилгани тушунарли ва мақбул. Франс Кафкага бағишланган саҳифалар қисқа бўлса-да мароқли. Франс ўз сўзли, бир қадар қайсар бўлиб ўсади, эътиқодли, оқила онасидан ҳаётий сабоқлар олади. Отасининг хоҳиши — қистовига кўра Прага университетининг ҳуқуқшунослик факултетига кириб ўқиган, адвокатлик, суғурта идораларида ишлаган бўлса-да, кўп масалаларда падари бузруквори билан келишмай ўтади. Кафка қисқа (қирқ йил) умр кўрган бўлса-да жаҳон адабиётига салмоқли ҳисса қўшишга улгурди...

Франс Кафка XX аср адабиётини елкасида кўтариб турган уч наҳангдан бири, деб баҳоланган. Прага шаҳрини адибнинг ҳақиқий мухлислари Кафка шаҳри, деб аташлари бежиз эмас. "Жараён" романини 2006 йили Вафо Файзулла ўзбек тилига ўгирган.

Дарсликда немис поэзияси, прозаси, драматургияси, публицистикаси, танқидчилиги ҳақида бир қадар тўлиқ ва изчил маълумотлар берилган, айрим асарлардан парчалар, намуналар келтирилган.

Немис адабиётида адабиётшунослик, танқидчилик ва публицистика ҳам юксак тараққий этган. Хусусан, "Лаокоон", "Гамбург драматургияси" каби жиддий назарий тадқиқотлари билан янги немис адабиётининг отаси деб ном олган, Шиллер, Гёте каби машҳур адиблар устоз деб билган Лессинг, романтизм назариётчиси, "Юнон шеъриятини ўрганиш", "Георг Форстер", "Лессинг ҳақида" каби илмий ишлар муаллифи Фридрих Шлегел, баркамол шеър, поэма, роман, драмалар ёзиш билан бирга, "Якшанба" газетаси, "Тикланиш", "Маъно ва шакл" журналларига асос солиб, ҳамкасбларининг янги асарлари босилишига имкон яратган Йоганнес Бехер, бадиий асарларида ўтмиш ва бугунни, хаёлот ва реалликни акс эттирувчи постмодерн адабиёти вакиллари Герта Мюллер, Патрик Зюскинд, Роберт Шнайдер, Даниил Келман айни чоғда фаол публицистлар ҳам бўлганлар.

Дарсликда машҳур публицист Гюнтер Валраф, ўзбек адабиёти тадқиқотчилари Ингеборг Балдауф, Аннамарие Шиммел ижодига ҳам қисқа бўлса-да ўрин ажратилса яхши бўларди.

Профессионал германистлар, бу соҳанинг мутахассислари дарсликка катта талаблар билан ёндашиб бир қанча етишмовчиликлар топишлари мумкиндир. Лекин немис адабиёти тарихидан юзакироқ тасаввурга эга бўлган ўқувчилар эндиликда бир қадар тўлиқ ва изчил билимга эга бўладилар. Энг муҳими, немис адабиёти тарихи ҳақида ўзбек олимининг биринчи бўлиб дарслик яратиши катта эътирофга арзигулик ҳодисадир.

**Сайди УМИРОВ,**
**Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ**

Доимий ҳамроҳ

# "АХЛОҚИ МУҲСИНИЙ"

Ўрта асрнинг машҳур мутафаккири Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Ахлоқи Муҳсиний" асарида Шарқ ахлоқига оид дурдона фикрлар сараланиб, қизиқарли воқеаларга ғоятда уйғун тарзда баён этилган. Қирқ бобдан иборат бу ноёб асарда адолат, сабр, ҳаё, покизалик, ростгўйлик сингари одоб-ахлоқ масалалари таъсирчан ёритилган. Султон Ҳусайн мирзонинг ўғли Абдулмуҳсин мирзога бағишланган бу нодир китоб яқинда "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриётида минг нусхада чоп этилди.

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат нашриётининг Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан ҳамкорликда институт хазинасидаги ноёб қўлёзмаларни нашр этишга киришганини қутлаш жоиз. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Ахлоқи муҳсиний" асари қўлёзмасининг ўрганилиб, факсимиле ва таржимаси нашр этилгани бу режани амалга ошириш йўлидаги илк қадам.

"Ахлоқи маҳсиний" китоби Алишер Навоий раҳнамолигида фаолият юритган Ҳирот сарой кутубхонасида тайёрланган бўлиб, ўша даврнинг моҳир хаттоти Мир Али Ҳиравий томонидан 1501 йили настаълиқ хатида кўчирилган. Қўлёзма юксак дид билан ҳошияга нафис нақшлар ишлаб бадиий безатилган. Китобга асар воқеаларига монанд, юксак бадиий савияда миниатюралар ишланган. Унинг XVI-XX асрларда Шарқнинг турли шаҳарларида яратилган элликдан зиёд ноёб қўлёзмалари институт хазинасида сақланмоқда.




"Ахлоқи муҳсиний" 1858 йили Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, тошбосма усулида босилган. Мана шу тошбосма матнини тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасанов ва тарих фанлари номзоди Асадали Ҳакимжонов аввал кирилл алифбосига табдил қилган эдилар. Ушбу нашр учун М.Ҳасанов асар муқаддимасини янгидан таржима қилган ва аввалги таржима табдили матнини бугунги китобхонга мослаб қайта ишлаб чиққан.

Китобда ўзбекча таржимадаги тушунилиши қийин бўлган баъзи сўзларга изоҳ берилган. Шеърлар, ўз даври бадиятини сақлаб қолиш мақсадида, таржима қилинмай берилган, айрим ҳоллардагина мазмуни келтирилган.

Нашр масъул муҳаррирлари Баҳром Абдуҳалимов ва Турсунали Қўзиев. Китобни нашрга тайёрловчилар: Абдумажид Мадраимов ва Мурόджон Аминов.

Китобга ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, тарих фанлари доктори Б.Абдуҳалимов сўзбоши ёзган. Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги меъмориал боғ-музейи директори, тарих фанлари доктори Абдумажид Мадраимов "Китобат санъатининг шоҳ асари" мақоласида "Ахлоқи муҳсиний" асарининг ўзбек тилидаги таржимаси билан бирга нашр этилган ноёб қўлёзма факсимилесида акс этган шарқона китобат санъатининг ўзига хос хусусиятларини, ундаги расмларни батафсил шарҳлаб берган.



Юртимиз жамоли

Шукур ҚУРБОН

# ПАЙДО БЎЛДИНГ ОСМОН ХАРИТАСИДА



## “САМАРҚАНД” САЙЁРАСИ

Эй гўзал сайёра, эй юксак юлдуз,
Қувон, тантана қил ва туй нашида.
Мустақиллик боис, халқимиз боис
Пайдо бўлдинг осмон харитасида.
Яъни кашф этилдинг. Аср-асрлар
Биз кўкни унутиб, нима қилдик, айт?
Наҳотки, осмонга айтмадик сирлар,
Наҳотки, дунёда яшадик лоқайд?
Йўқ. Карвон бир ёнда, бир ёнда сарбон,
Аҳли илм кўзидан ёшлар қуюлган —
Ки само тоқига қўйилган нарвон
Улуғбекдан кейин олиб қўйилган.
Бугун иқтисодий танглик кўйида
Қорнин ўйлаганда дунё халқлари,
Кўриб ул нарвонни яна жойида,
Ҳайрат бармоғини тишлади бари.
Ва рўйи заминнинг сайқали бўлмиш
Шаҳар номи билан аталдинг зарҳал.

Юртбоши тилаги. Ниятлар кулмиш:
Фазога ҳам шояд бўлурсан сайқал.
Демак, кашфиётлар қилиш керак мўл,
Кашфиёт, кашфиёт, яна кашфиёт.
Ўшалар бағрида мунаввар ўнг-сўл,
Ўшалар бағрида мунаввар ҳаёт.
Ўшалар туфайли ном ҳам, нишон ҳам
Ва пойдор аждодлар қолдирган сабоқ.
Келажак ўшалар туфайли кўркам,
Ўшалар туфайли орзулар порлоқ.

## ДЎСТЛИК ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Дема менга: “Каму кўстинг бор”.
Сўра мендан: “Қанча дўстинг бор?”.
Сўра улар содиқми, дея,
Ёмон кунда келарми, де, кор.

Дўст элининг турфа хислати,
Дўст элининг турфа ҳасрати.
Яхшиям, бор дўст диёнати,
Ким хиёнат қилса, бўлар хор.

Борсам, юриб йўллар йироқдан.
Қаршилар дўст кулиб юракдан.
Бўшамас ким димоқ-фироқдан,
Бу оламда дўстга бўлар зор.

Дўст келганда билинмас камим,
Оддий куним бўлар байрамим.
Дўстлигини миннат қилса ким,
Дўст эмас у. У — ёт, у — ағёр.

Ким заринг, ким зўрингга мақтал,
Ким ёрингни кўзлаб дўст азал.
Оллоҳ учун дўстликдан афзал
Ошнолик йўқ, деган бир панд бор.

Ўтар дунё, дейсан, огоҳ бўл,
Тўғри йўл — дўст сари борар йўл.
Дўст номини тилга олиб ўл,
Нурга тўлар ётганинг мозор.

## ҚЎНҒИРОҚГУЛ

Қўнғироққа ўхшаш бўлгани учун
Чалинар деб уни тебратади ел.
Бир кун чалинишин билгани учун
“Қўнғироқгул” дея атар уни эл.

Майда ташвишлар-ла банд бўлиб у дам
Буюк лаҳзаларни ҳис этмаганмиз.
Балки чалингандир қўнғироқгул ҳам,
Лоқайдлик қилганмиз, эшитмаганмиз.

## КЎҲНА БИР ҲИКМАТ БОР...

Кўҳна бир ҳикмат бор — фикру онгдаги
Ҳайрат-ҳаяжонни айлар у таҳрир:
Қалбни тозаласанг, қалб танангдаги
Жамики аъзони поклайди бир-бир.

## КЎЗ-ҚУЛОҚ БЎЛ...

Кўз-қулоқ бўл бағрингдаги
Меҳрдан-чўғдан,
Асра уни ёмғир, қордан,
Назардан-суқдан,
Илм аҳли айтар:
“Инсонни уст-бош
Эмас, тана ҳарорати
Асрар совуқдан”.

## ЧИҒАНОҚ

Чиғаноқ юракка ўхшайди шаклан,
Инсон юрагига ўхшар мазмунан.
Акс ҳолда ватани — денгизлар товши
Ич-ичидан дилбар янграрди қайдан?

Ориф ТЎХТАШ

# ОНА ВА БОЛАДИР ЭНГ БУЮК ТИМСОЛ



## *МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ*

Бораман “Эзгулик аркаси” томон,
Истиқлол майдони дарчаси томон.
Беқиёс манзара кўнглимни хушлар,
Бошимда чарх уриб яйрайди қушлар.
Уйига сиғмаган фаввора гўё —
Менинг завқимни деб оввора гўё.
Пойимда аксимни кўргандай бўлиб,
Кўзгунинг устида юргандай бўлиб,
Атрофга боқаман ҳайратим ошиб,
Нимадир келади кўнглимдан тошиб —
Ердан ё Самодан куч келгандайин.
Ногоҳ мўъжизага дуч келгандайин —
Она ва боладир энг буюк тимсол,
Бири Ватан бўлса, бири — Истиқлол!

## *ТЎРТЛИКЛАР*

Ой эгаси эрур кечки самонинг,
Юлдузлар сайрига бошлар хаёлинг.
Юксакни кўзламоқ нақадар яхши,
Бироқ... узилмасин ердан оёғинг.

* * *

Соғиниб, гоҳ кўздан ашким келади,
Фақат ҳузурингга шошгим келади.
Ҳаётдан зериксам, юрагим билан —
Сен ҳақингда суҳбатлашгим келади.

* * *

Фикримда шу тахлит жамланар ҳаёт —
Қизлар нигоҳидан рангланар ҳаёт,
Аёл садоқати кўрк берар токи,
Она меҳри билан англанар ҳаёт!

* * *

Тўлин ой гўзалдир, ҳилол гўзалдир,
Гўзаллик ҳақдаги хаёл гўзалдир.
Лекин бор гўзаллик аввали бўлган —
Бешик олдидаги Аёл гўзалдир.

* * *

Соат куйиб-пишар вақтни санолмай,
Ер бошини чайқар хавфни санолмай.
Чунки мен айбдорман, яшаяпман жим —
Онам бошидаги оқни санолмай.

## *БАХТ*

Ҳар йили баҳорни кутардим интиқ,
Соғинчда ўтарди ёз, куз, қишларим.
Майса ахтарардим хазонни тинтиб,
Қорни эритарди хўрсинишларим.

Бесамар кечарди сабрим-да, бироқ —
Йилдай судраларди ҳатто ҳар дамим.
Кузги боғда сени кўрдиму ногоҳ
Сарғайган япроқлар кетди зарланиб.

Бу кун ҳаётимга кириб келдинг сен,
Не тонгки, оламда биздан бахтли йўқ.
Ўтган ҳар лаҳзамиз баҳорларга тенг,
Энди фаслларнинг бизга дахли йўқ!

*Ҳикоя*

*Қамчибек КЕНЖА*

# МУҲАББАТ БАДАЛИ

Мазкур воқеани бир неча йиллар аввал Ҳиндистоннинг номдор шаҳарларидан бири Лакновда эшитган эдим.

* * *

Надим икки бора рўзғор тутган, аммо фарзанд кўрмаган, аёллар эса турли баҳона-сабаблар билан уни ташлаб кетишганди. Эндиликда отамерос ҳужрасида танҳо кун кечирар, эрталабдан қаро шомгача рикша ҳайдаб, итдай чарчар, арзонроқ ошхонада наридан-бери тамаддиланарди-да, уйга мадори қолмаган оёқларини судраб бориб, остонадан ўтардию ўзини қачонлардан бери йиғилмаган ўринга отар ва шу заҳоти донг қотиб, ўша бўйича эрталаб, қуёш тиғ уриб чиқиб келаётган паллада аранг кўзини очарди.

У авваллари турли жойларда кирақашлик қилиб юрган, Банк қурилиб, олди гавжумлашгач, уйига яқинлиги учун шу ерни асосий пакка қилиб олганди.

Бир куни аравани четроққа қўйиб, кекса имли дарахтига суянганча мудраб ўтирганди, аёл кишининг рикшачилар билан савдолашаётгани қулоғига чалиниб, ўрнидан турди-да, даврага яқинлашди. Турли ёшдаги бир неча киракаш ўртасида дам унисиси, дам бунисига юзланиб, икки-уч рупия талашаётган лиму ранг сарийли, қора, ялтираган сочларини орқага силлиқ тараган чиройли хоним Надимнинг кўзига иссиқ кўринди. Астойдил тикилиб, уни танидию аъзои бадани жимирлаб, ўзини орқага тортмоқчи бўлиб турувди, жувон унга нигоҳ ташлаб қолди. Рикшачининг юзлари қизариб кетганди, лекин аёлда заррача ўзгариш юз бермаётгани ва парво қилмаётганини кўриб, вужуди бўшашди. “Хайрият, танимади!..” Танимадигина эмас, аксинча, унинг ўскин, бароқ соқолига, сурранг узун кўйлагига қараб афтини сал буриштиргандек бўлди. Надим танбеҳ бериб, огоҳлантириб турадиган ёстиқдоши ё бошқа яқини йўқлиги, тўғрироғи ҳафсаласизлигидан соч-соқолини ўстириб юборганди.

Энди унда хонимга нисбатан қизиқиш кучайди, бармоқлари учини жуфтлаб, ҳурмат изҳор қилди ва “Бибисоҳиб, айтган жойингизга, ўша нархга мен олиб бориб қўяман” деди, кўзи унинг нигоҳи билан тўқнашиб қолмаслиги учун бўйинини эгиб. Хоним рикша зинасига “мени кўтарармикин”, дея ҳадиксирагандай оёқ қўйди. Айни дамда Надим жувондаги зоҳирий ўзгаришларни кузатарди. Ёшлигида овози янгроқ, кўзлари чақноқ, жиккакроқ қиз эди. Энди унинг қарашлари жиддий ва бир мунча кибрли кўринар, гавдаси бўлагина, салобатли эди.

У рикшани юраги ҳаприқиб, турли ҳиссиётлар гирдобида енгил энтикканча тортиб бораркан, аёлга қарагиси, қачонлардир унинг дилига кўп алам-изтироблар солган ўша ҳусни, ўша жозибаси ва малоҳати нафақат сақланиб қолган, балки бир неча чандон ортган рухсорига тўйиб боққиси келар, лекин аввало бу истакларни рўёбга чиқариш даражасида орқага қайрилишнинг имкони йўқ, ҳам ноқулай, қолаверса... Унга танилиб, шармандаси чиққандан кўра, ўзини илоҳий Ганга ё наҳрул муҳаббат — ишқ дарёси Жамуна қаърига отгани яхши эмасми? Нотавон кўнглига қўтир жомашов, деб, сен шу ҳолинг билан мендек бир аслзода хонимга ошиқ бўлувдингми, демайдими?

Манзил унча узоқ эмас, шаҳарнинг ғарб томонидаги янги мавзенинг бошланишида бўлиб, тахминан ўн беш дақиқалик йўл эди. Надимнинг тили, кўзлари қанчалар туғён урмасин, сокин ақл, иззат-нафс ва ҳадик олдида ожиз эдилар. У “Рикшачи, тўхта!” деган буйруқни эшитмагунича бир оғиз чурқ этмади. Тўхташга амр бўлганида нечоғлик суюнганини фақат ўзигина билади, чунки у энди андак тин олиши ва аравадан тушаётган мижозига бир эмас, бир неча бор, айни чоғда киши билмас тарзда, беозор қараб олиши мумкин эди.

— Ҳаққингни ол, рикшачи!

Надим ўзига келди ва хонимнинг унга чўзилган оппоқ, биққигина кафтидан тангани бармоқлари енгил титраб оларкан, қарийб пичирлаб раҳмат айтди. Хоним унинг миннатдорчилигига аҳамият ҳам бермай, оғир гавдасига номуносиб енгил қадамлар билан бориб, ҳовли эшиги ўрнидаги бамбук ғовни нафис бир ҳаракат ила очиб кириб кетди. Бошмоғининг ёқимли тақиллаши Надимнинг қулоғида, сарийси этакларининг енгил, чиройли ҳилпиллаши нигоҳида қолди.

У бир амаллаб кулбаи вайронасига етди-да, ҳаяжондан, саросимадан, хавотирдан бўшашиб шалпайган жуссасини таппа ташлади ва кўзларини юмди. Миясидаги хотира қатларини титкиланди. Хаёли йигирма йиллар орқага — ўтмишга парвоз қилди...

Улар бир коллежда ўқишганди. Сабоҳ чиройли қиз эди. Уни орзулаганлар кўп эди. Бой хонадоннинг қизи бўлгани сабабли уни орзу қилишарди холос, унга йигитчасига гап отиш, “қармоқ ташлаш”га, муҳаббат изҳор этиш тугул, ўз майли ва муносабатини англатиб қўйишга ҳам ҳеч бирининг юраги дов бермасди. Қимматбаҳо сирға-билакузуклари, тоза матоли сарийларининг ўзиёқ ўзгалардан — қизлардан, йигитлардан ажратиб, бир неча поғона кўтариб турарди. Ўша пайтларда ҳам у коллежга файтонда келиб-кетарди. Шайдоларнинг бир имтиёзи бор эди — ўртадаги “бетараф ҳудуд”га дахл қилмаган ҳолда, узоқроқдан, вазиятга кўра, бирров қараб олмоқ, тикилмоқ, термулмоқ ва ғойибона суҳбатлашмоқ... Ахир, одамнинг ўзидан кўра минг бора эркин хаёлини чеклаб, таъқиқлаб бўлмайди-ку. Ана шу хаёл, тасаввур қанчадан-қанча бедаво ишқ аҳлига қанот бағишлаб, таскин берарди. Надим Сабоҳга бошқалардан — ошиқу бeқарорларнинг ҳаммасидан ҳам кўп ва қаттиқ мубталоман, деб ўйларди. Нима бўлгандаям Надим Сабоҳни жимгина суярди. Улар гоҳо-гоҳо, юзма-юз келиб қолишганда ўзаро саломлашишарди ҳам. Бундай маҳалларда Надим каловланиб, боши айланар, назарида оёқлари, гавдаси ердан анча баландлаб кетгандай туюларди. Шўх ва шаддод бу қизнинг дангаллик одати ҳам бор эди — ҳаммага, ҳатто муаллимларга ҳам дадил, шартта гапирарди. Унинг бирон талаба билан яқинлиги тўғрисида эса ҳатто миш-миш ҳам чиқмаганди. Бирдан қиз коллежга келмай қўйди, бир неча кундан кейин эса уларнинг оиласи қаёққадир кўчиб кетгани ҳақида гап тарқалди. Шушу Надим Сабоҳни қайта кўрмаганди. Узоқ вақтгача қаттиқ ўкиниб, соғиниб, тез-тез эслаб юрди. Уни кўз олдига келтирса юраги эзилиб кетгандай бўларди. Лекин сўнгги марта қачон уни хотирлагани аниқ эмас. Ҳолбуки, Надим муҳаббатининг биринчиси ҳам, охиргиси ҳам шу эди. У ўзининг мавқеини дурустроқ чамалай билмайдиган бир даврда, ҳамма нарсадан мен кучлиман, зўрман дейдиган, ҳар қандай ғовтўсиқни, чеклаш, тақиқларни, мумкин-мумкин эмас, жоиз-ножоиз, бой-камбағал, юқори-қуйи мазҳабу, табақа деган қиёсу тафовутларини тан олмайдиган, борки соҳада устуворликка, ғолибликка даъвогар мағрур ва қайсар ёшлик ҳамда унга кучқувват, шиддат ва жасорат ато этадиган хаёлпарастлик — романтикликнинг қудрати ва таъсирида қизга кўнгил қўйган эди...

Нодим чуқур энтикди, бошини сарак-сарак қилди. Ахир у ҳам, бир амаллаб бўлса-да, ҳар ҳолда коллежни битирган эди. Лекин иши ҳеч юришмади. Ўзини у ёққа урди, бу ёққа урди, ҳар хил маҳкамаларда югур-етим вазифаларни бажариб юрди, шундан нарига ўтолмади, косаси ҳам оқармади. Бунинг устига оилавий турмушда ҳам омади чопмади. Акаукадан ҳам ёлчимаганди. Тақдири азал манглайига шуларни ёзган экан, начора? Аммо бугунги тасодиф ёруғ дунё неъматларидан, орзуларидан совиб, моғорлаган қалбини озгина олов, ёғду билан илитиш, покламоқчи бўлган Лакшмининг иноятн эмасмикин?..

Эрталаб барвақт уйғонди, синиқ кўзгу билан қайчини қўлига олган ерида тараддудланиб қолди. Сабоҳ хоним бугун ҳам келармикин ўзи? Балки кеча банкка шунчаки бир иш юзасидан ташриф буюргандир. Йўқ, соқол-мўйловини қиртишлаб қўйса аёл уни таниб қолиши мумкин...

Соч-соқолига салгина қайчи урди. Аммо аравасининг ичини супуриб-тозалади, ўриндиқни, ён тўсиқларни, ғилдиракнинг губчаги, кегайларини, ялтиллаб кетган шотиларни нам латта билан артиб чиқди. Лекин шотилар орасига кирганда рикшачилик амалининг нақадар тубанлиги, ўзининг иккита узун ёғоч ўртасида от-ҳайвон ўрнида туриши қанчалик аянчли эканлигини дастлаб иш бошлаган кунидагидан ҳам чуқурроқ туйди ва шилимшиқ бир нарсани ушлаб олгандай афти буришди, эти увишди. Бу “ҳунар”ни йиғиштириш керак, деган ўй кечди дилидан.

У шу куни мижоз истамади, ҳатто қўл кўтарганларга ҳам қарамай, тўғри банк биносига қараб борарди. Ҳали эрта бўлгани учун рикша ҳам, банк ва ўзга муассасаларга кириб-чиқувчилар ҳам кам эди. Аравани четга тортиб қўйди-да, ўзи панага — азим имли остига ўтиб, келаётганларни кузатиб ўтирди. У нимагадир Сабоҳ хоним шу банкда ё қўрғон ичидаги бошқа бир маҳкамада ишласа керак, деган фаразда эди. Шу сафар фаҳми унга панд бермаслигини тилаб, маъбудларга илтижо қилди. Келувчилар кўпайган пайтда — соат саккизлар арафасида узоқдан устида бир аёл киши ўтирган извош кўринди. Надим беихтиёр туриб кетди, юраги худди коллеждалик пайтларидагидай дукиллаб ура бошлади.

Извош унинг яқинига келиб тўхтади ва ундан Надимнинг кўзларини яраклатган кимса — бугун яшил сарий кийган, билаги, елкаси билан тирсагининг ўртаси оқ ва бўлиқ Сабоҳ хоним тушди-да, рикшачини рози қилиб, ҳеч кимга қиё боқмай, ён-атрофга умуман назар солмай, оқ туфлиси пошналари билан асфалтни енгил тўқиллатганча қўрғон томон йўналди. Демак, у ҳам аксарият соҳибжамол қизжувонлар сингари извошда кўзга ташланиб, солланиб юришни яхши кўради, шекилли. Демак, қайтишда ҳам албатта файтонга ўтиради, агар шу жойга ишга келган бўлса, ҳар куни қатнайди.

У юрди, турди, бирпас-бирпас айланди, дарахтга суяниб, пон шимиб ўтирди, ўйлади, қувонди, ғашланди. Ниҳоят, қуёш гардиши кенгайиб, қуйига эна бошлаганда аравасини узоқдан кўринадиган ерга жилдириб, ўзи унинг ёнида ҳовли тарафдан кўз узмай турди. Одамлар бирин-кетин, жуфт-жуфт бўлиб чиқишарди-да, қай бирлари пиёда, қай бирлари енгил машина ё мотоциклларини миниб жўнашарди.

Бекатда Надимникидан ташқари яна иккита извош бор эди, холос. Чунки одатда яқинроққа борадиганлар, кексалар ё камхаржроқ саноқли кимсаларгина рикша ёллашарди.

Лакшмининг чиндан ҳам бу ғарибу бенавога шафқат назари билан боқаётгани аниқ эди. Бир пайт Сабоҳ хоним якка ўзи бир-бир босиб чиқиб келди-да, нигоҳи Надимнинг араваси ва унинг ўзида тўхтади. Эҳтимол бибисоҳибга ҳам афт-ангори кўримсизроқ рикшачининг ройишлиги, камсуханлиги ва бир маромда юриши маъқул тушиб қолгандир. Хуллас, оғзи қулоғига етган Надим ҳаяжонланиб, беихтиёр қадамини тезлаштирган эди, танбеҳ эшитди.

— Мен шошаётганим йўқ, эй!.. Бугун сенга нима бўлди? — деди хоним. Унинг овози ҳамон ўктам, ҳамон амирона эди.

— Афу этинг, маликам, — узр сўради Надим секинлаб, бошқа сўз демади.

Ортиқ калом айтмоққа ожиз ва ночор эди, зеро хонимга бундан зиёд жавоб ва изоҳнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Илло, кутилмаган, истеъмолда кам “маликам” ибораси хушёқдими, жилмайиб қўйди, таассуфки, бу сийлов эгасига етиб бормади — шотилар орасидаги одам-отга орқага ўгирилиш ноқулай ва ножоиз, қолаверса, Надимнинг ичи-борини “уни ранжитиб қўйдим”, деган хавотир кемириб азоб бермоқда эди. Оёқларини энди тикан киргандай авайлаб босарди.

Надимнинг калласи янада эгилиб кетганини кўрган Сабоҳ хоним “бечора хафа бўлди чоғи”, деб ўйладими, бошқа сабаблими, ҳар ҳолда, “Рикшани яхши ҳайдар экансан”, деди майинлашган бир товушда. Надим бошини кўтарди ва унинг дилида умид учқунларими, нимадир йилтиллаб, бағрини нурга тўлдиргандай ва бу нур унинг шуурини ҳам ёритгандай бўлди, ёришган шууридан беихтиёр “ўзимни танитсам у нима деркин, менга қандай муомала қиларкин, юзи-кўзида қандай ўзгариш юз бераркин?..” деган фикрлар ўта бошлади ва дарҳол ниятидан қайтди, дарҳақиқат, буниси энди қуюшқондан чиқиш эди.

Ёқимсиз, лоҳас этувчи иссиқдан нафаси бўғилиб турган одамга туйқус келган салқин шабада қанчалик ҳузур бериб, танасини яйратса, хонимнинг бехос айтган икки оғиз калимаси ҳам Надимга шундай фароғат бағишлади, унинг манглайидаги тиришларни ёзиб юборди, кўз олдини хиралаштириб, дилини хижил қилиб турган қорамтир парда тўзиётган оппоқ парга айланди ва у парлар извошнинг йўлига ёркин шуълалар бўлиб сочилди.

Шу оқшом пахтаси ёпишиб кетган ялангқават кўрпача Надимни гўё партўшакдай аллаларди. Фақат бир фикр уни алламаҳалгача ухлатмади. Ниҳоят, шундай қарорга келди: соч-соқолини яхшилаб кузайди, қани у танирмикин, агар шунда ҳам танимаса... Йўқ, Сабоҳ хоним уни шубҳасиз таниб қолади, орада яқинлик юзага келади ва унга қулфи дилини очишга имкон туғилади. Ахир, изҳор этилмаган розини — бу оғир, аммо оромбахш юкни шунча йилдан бери пинҳона кўтариб келмоқда, майли, уни нариги дунёга ҳам олиб кетишга тайёр ва қодир, лекин агар уни сездириб, билдириб қўйса, омонатни эгасига етказган холис кимсадай руҳида бир енгиллик, ҳаловат туярмидийкин...

Тонгда у айтганини қилди: сочини ҳам, мўйловини ҳам кескин қисқартирди, соқолини эса, батамом қириб ташлади. Энди унинг бир оз бўртик ёноқлари, кенгтина манглайи, рисоладагидай қулоқбурни, тўмтоқроқ — эркагона ияги, энг муҳими, кечадан бери гавҳари қувватланиб, бўлакча чарақлай бошлаган кўзлари озодликка чиққандай далланг кўринди... Сўнг анчадан бери совун кўрмаган юзини ҳафсала билан ювди, бўғма ёқали қора ридоси ўрнига енглари узун, ёқасиз, ҳаворанг панжоби кўйлагини кийди, оёғига шиппак илди.

Бибисоҳиб бугун оч қирмизи тусдаги либосда эди. У ҳовлидан шошиб юриб чиқаётган эди, таниш рикшани кўриб қадамини секинлатди. Файтонга “қўшилиш”га шай турган Надимга нигоҳи тушган хоним беихтиёр юришдан тўхтади, киприклари ҳайрона пирпиради. Надим эса жилмайиб қаради, лекин иккиси ҳам лом-мим дейишмади. Бибисоҳиб иккилангандай арава зинасига оёқ қўяркан, ташқи афт-ангори бутунлай ўзгариб, одам сиёқи кириб қолган ҳаммолга зимдан синовчан назар солди. Бу пайт Надим шотилар орасига ўтиб, икки қўлида уларни кўтариб турарди.



Анчагача ё унисидан ё бунисидан садо чиқмади. “Барибир танимади, хотирлай олмади-я, — ўйлаб борарди Надим, — ё орият устун келиб, ўзини танимаганга оляптимикин... Демак, энди бошқа гап-сўзга, шама-ишорага ўрин йўқ. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолгани дуруст чоғи...”

— Мен сизни қаердадир кўрганга ўхшаяпман-а, — деди бир оздан сўнг Сабоҳ хоним бирдан “сиз”лаб.

Рикшачининг томирларида қон тўхтагандай бўлди, кўтарилган оёғи беихтиёр бир лаҳза муаллақ туриб кейин ерга тушди. “Демак, эслади!..”

Бу ёғига унинг сабри чидамади, сичқон-мушук ўйинини давом эттиришга тоқати етмади.

— Бир пайтда ўқиганмиз, — деди елкаси оша хонимга бирров кўз ташлаб ва дарҳол оқлаш учун қўшимча қилди: — Ғўрлик қилиб, коллеж имтиҳонларини яхши топширолмагандим. — Аслида бунга мана шу малакнинг бирдан ғойиб бўлиб қолгани ҳам сабаб эди. Анчагача уни қўмсаб, кечалари юраги эзилиб, бедор тонг оттирган талаба йигитчанинг ўқишдан кўнгли совиб кетганди. Қайтиб ўзини қўлга ололмади. — Тақдир мени яна синовга ташлади, — давом этди Надим, — бу синовдан ҳам ўтолмай юрибман.

У ҳайрат ва таажжубда эди: дилида бошқача жумлалар тузар, тилидан эса бутунлай ўзга сўзлар сирғалиб чиқарди.

Аёл яна оғзига мум солгандай жимиб қолди. Демак, собиқ коллеждоши уни хокисорона ва илмоқли иддаосига муносабат билдириб, андак кўнглини кўтариб қўймакни лозим кўрмади.

Энди оламда ғилдирак чармининг вишиллаши ва рикша эгасининг шиппагидан таралаётган “шип-шип” овозгина қолган ва улар ғоят нохуш эшитиларди.

Надимнинг ҳам тили танглайига ёпишди. Манзилга етиб, тўхтаганда ҳам Сабоҳ хоним тарафга қарашга журъат этмай, ерга боққанча сабрсизлик ва ҳаяжон билан кутиб турди. Хоним извошдан оҳиста тушиб, тирноқлари пушти лакли, панжаси хиноли қўлини узатаркан, Надим бошини салгина кўтарди, дастини беихтиёр кишанга тутиб бераётгандай, қалтираб чўзди. Шунда... Шунда зилдай оғирлашган қўнғир тус кафтига тўкилган тўртта танга чўғдай туюлди, уларни зарда билан, шоша-пиша киссасига тикди-да, арава шотисини шиддат билан орқага буриб, жадал юриб кетди.

Унинг кулбаси шундоққина йўл бўйида бўлиб, кўчанинг нариги бети ҳар хил ўсимлик ва ўт босган паст текисликлар эди. У аравани одатдаги жойига — уйчаси девори ёнига ҳафсаласизлик билан қўйди-да, қайтиб чиқиб йўл қиршовига чўнқайиб ўтирди. Тиззаларини қучоқлаб олисларга тикилганча хаёлга чўмди. Анчадан сўнг сонига нам тегаётганини сезиб кўзини очди. Юрагидан томаётган алам ёшлари шалварининг анча қисмини ҳўл қилган экан. Чўнтагидаги бояги тангаларни олиб, синчиклаб кўра бошлади. Тўртта пул. Симобий бир жуфти беш рупиялик: олд тарафига гуллар орасига “5” рақами, орқасига эса Ҳиндистон давлатининг рамзи — уч бошли шер тасвири чекилган, қалин, икки қаватли, хийла салмоқли танга. Ўнгсиз зангор тусдаги иккитаси катта, лекин юпқа ва енгил, олди томонида етти бурчакли шакл ва шакл ўртасида “1” рақами, унинг иккала ёнида шолинингми, буғдойнингми бошоқ нақши, ортида эса яна ўша — уч бошли шер. Чақаларнинг унисида ҳам, бунисида ҳам ҳинди ва инглиз тилларида “Ҳиндистон” ва “рупия” сўзлари, танга зарб этилган саналар битилган. Аввалги бир жуфти — ўн рупия пешона тери, кира ҳақи, хўш, кейинги иккитаси — икки рупий-чи? Бошини кўтарди. Қуёш ботиб, қизил шафақнинг парча-парча шуълалари осмоннинг жануб ёқларидаги лахтак-лухтак кўкимтир булутларда аксланар, кун чиқишдан босиб келаётган қоронғилик ўша шуълаларни ҳам ўз домига тортиб, олам тусини тобора хиралаштириб борарди.

Яна кафтидаги “бойлик”ларга тикилди. Улар эскирган, қўлдан қўлга ўтавериб сийқаланиб кетган металлар эди. Наҳотки, ҳамма нарса — ҳаёт ҳам, орзу умидлару муҳаббат, ҳатто оддий муносабат ҳам шу чақаларга боғлиқ бўлса?.. Хўш, чақалар Надимга нима берди? Тўғри, кундалик емиш, қора чироққа мой, арзон-гаров кўйлак, шиппак берди. Хўш, яна нима? Шунча йил ишлаб, арава судраб, лоақал битта велосипед-рикша ё скуторга ҳам етишолмади... Аммо бугунгиси ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Бундан ортиқ шармандалик, бундан ортиқ таҳқир бўладими...

Нега у ҳар кунги, келишилган ҳақни беравермади? Иккита чақани қандай хаёлда, нима мақсадда қўшиб қўйдийкин? Ўзини саховатлироқ, олижаноброқ кўрсатиш ниятидами ё аввалги куни арзимаган баҳони савдолашганини ўйлаб, унда орият ҳисси ғалаён қилдими, ўша зиқналигини хаспўшламоқчи бўлдимикин? Ё унга силаи раҳм қилгиси келиб кетдимикин? Ё, ё... сенинг муҳаббатинг мен учун икки пул, деганимикин бу?.. Қарийб чорак аср қалби тўрида пинҳон асраб-авайлаб, йиллар қуюни, қашшоқлик, қийинчилик тўфонларида гард юқтирмай, шикаст етказмай ардоқлаб олиб юрган ишқининг жавоби шуми? Наҳот бу узоқ йиллик беозор, беэътибор, бeқиммат ошуфталигининг бадали бўлса?.. Қани энди, тақдир уни ўша беписанд, ҳаволиқ нозанин билан қайта учраштирмаган бўлсаю, ўсмирликдаги беғараз, мусаффо севги нашъаси, завқисурури, тотли армони ва У ҳақдаги ўша, дастлабки беғубор тасаввури билан ўлиб кетса... мингдан-минг рози эди!..

У чўзиб бир “оҳ” тортиб ўрнидан турди-да, тангаларни қулочкашлаб пастга — қорайиб, катта ўпқонга ўхшаб ётган жарликка улоқтирди. Кейин йўлнинг ўртасига чиқди-да, бошини хам қилганича кун ботишга қараб аста-секин юриб кетди...

Сабоҳ хоним ҳар куни ишдан чиқаркан, Банк яқинидаги бекатга келар, киши билмас кимнидир қидирар, хизматга шай турган рикшачиларнинг ҳеч бирига райиш билдирмас, фурсат ўтиб кутгани, қидиргани келавермагач, тўғри келган рикшага унсизгина чиқиб ўтирарди-да, уйига жўнарди. Ва шунда ҳам умидвор кўзлари чор-атрофга нигорон бўлиб борарди...

Сиймолар

# ОҚШОМ ЁҒДУЛАРИГА ЙЎҒРИЛГАН ПОРТРЕТ...

*ВАҚТНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚИ ЙЎҚ, ШУНДАН ХАБАР БЕРАР ХОТИРА...*

Таниқли шоир Иосиф Бродскийнинг ушбу сатрлари машҳур ўзбек рангтасвири устаси, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Рўзи Чориевнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги китобнинг руҳи ва мазмунини лўнда, аниқ ифода эта олади. Бу китоб шундай инсон ҳақидаки, унинг ҳаётий ва ижодий тақдири ёрқин рангларга бой, чиройли дамларга, ажойиб муваффақиятларга йўғрилган, айни пайтда драматик тус олган воқеалар ва муҳит исканжасида бўлганлиги билан ажралиб туради.

Мусаввир Рўзи Чориев ҳар жиҳатдан мафтункор инсон бўлиб, у ижодий жамоатчилик хотирасида ва уни билган одамлар ҳамда омма онгида катта ижодкор шахс сифатида намоён бўлганди. Рўзи Чориев том маънода ижодкорликнинг миллий тимсоли, рамзига айланган эди. Дарҳақиқат, Рўзи Чориев картиналари замонамиз тасвирий санъатида умумсимфония жўровозида алоҳида бир ўткир оҳангдир. Мусаввир тимсолини яхлит тасаввур этишда унинг инсоний ва касбий истеъдодини ҳис этиш катта аҳамиятга эга, аммо улар бир-бирига узлуксиз боғланиб кетганлиги, кўп қирралиги туфайли ўртадаги "олтин мувозанат"ни топиш амримаҳол. Бундай ҳолда у ҳақида ёзадиган муаллиф, албатта, унинг ҳаётини орқаваротдан эмас, бевосита билиши, ўқувчини ижодининг нозик сирларига етаклаб бора олиши, айни пайтда ҳикоя қилишда адабий маҳоратни эгаллаган истеъдод эгаси бўлмоғи талаб этилади. Худди ана шундай хислатларни Рўзи Чориев ҳақидаги китоб муаллифи, унинг яқин дўсти ва юртдоши, рассомлар ҳаётини узоқ вақтдан бери профессионал даражада ўрганиб келаётган истеъдодли ёзувчи Нодир Норматов ўзида жамулжам этган.



Китоб ўзбек тилида ёзилиб, 2009 йили китобхонлар қўлига теккан. Эндиликда у рус тилида чоп этилмоқда. Китоб ноёб рангтасвирчи тимсолини яратишда санъаткорнинг ҳаётий ва ижодий фаолиятидаги жамики кўринишларни жуда аниқ қамраб олган.

Санъатшунос сифатида, ушбу мақолани ёзиш асносида, Рўзи Чориевга шахсий муносабатимни билдириб кетмасам бўлмайди, деб ўйлайман. Китобни варақлай туриб, рассомнинг ўзимга номаълум бўлган ҳаёти лавҳалари ва санъат ҳақидаги теран фикрлари билан танишар эканман, беихтиёр Рўзи Чориев билан мулоқотларимда шаклланган, унга рассом ва инсон сифатида берган баҳоларимга яна бир бор фикран қайтдим. Ва шунда, нозик ҳиссиётли, беқиёс истеъдодли бу инсоннинг яратувчанликка, ижодга бўлган ақл бовар қилмас руҳий қувватини,



афсонанамо юксак муҳаббатини яна бир бор ҳис қилдим. Унинг тўғрисида махсус мақола ёзган эмасман, аммо XX аср иккинчи ярми тасвирий санъатининг умумий таснифида унинг номини эътироф этганман. Яна шуни ҳам тан олишим керакки, Рўзи Чориев ҳақида 1980 йилларгача буткул юзаки тасаввурга эга эдим, унинг ишларини билардим, кўргазма ва бошқа тадбирларда чиқишларини эшитганман, аммо бевосита мулоқотда бўлмагандим. У менда рассом сифатида ҳурмат-эҳтиром уйғотган бўлса-да, аммо инсон сифатида қандайдир ғалатироқ, тўғрироғи, кўпроқ салбий таассурот қолдирган эди. Одамлар олдида ўзини улуғвор кўрсатиш учун гапни олиб қочадиган қуруқроқ бир кишидай туюлганди, унинг "гениално" деб сўзлашларига истеҳзо билан қарар, энсам қотарди. Гарчи, бу таассуротларимни биров билан ўртоқлашган бўлмасам-да, барибир, кейинроқ, бу хато хулосаларимдан ўзим хижолат чекканман...

Хулосамнинг ўзгариши 1987 йили, кутилмаганда Вьетнамга ижодий сафарга боришим туфайли рўй берди. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бўлган эсам-да, афсонавий, ёрқин таассуротларга, ҳис-ҳаяжонларга тўла бундай ажойиб саёҳат ҳаётимда аввал ҳам, кейин ҳам бўлгани йўқ. Бундай ҳайратомуз таассуротларнинг кўпи Рўзи Чориев даврасига тушиб қолганим сабабли, деб баралла айта оламан. Донишмандлар: "Инсоннинг кимлиги узоқ сафару саёҳатларда билинади", деб бежиз айтмаганлар. Худди ана шу Вьетнам сафарида мен унинг Тошкентдаги расмий доираларда, учрашувларда сезилмаган инсоний фазилатларини — саховатлилигини, олижаноблигини, ғамхўрлигини ҳис қилдим. Вьетнамда у ажойиб инсон сифатида намоён бўлди: қувноқ, дилтортар, нозик, ақлли суҳбатдош... Унинг вьетнамлик рассомлар, санъатшунослар олдидаги чиқишларида санъатга берган баҳоларининг аниқлигию теранлиги мени ҳайратга солди. Ҳар гал нутқ ирод қилганидан сўнг, одамлар уни қайта-қайта таклиф қилишарди. У вьетнамликларни ҳам мафтун этиб қўйган эди. Гўё олдимда бутунлай бошқа одам турарди. Тўғри, бу ўша, қўшиқ айтиб шодланадиган, шовқин-сурон солиб гапирадиган Рўзи Чориев эди, аммо энди ундаги бу хусусиятлар изсиз йўқолгану мутлақо бошқага айлангандек эди. Энди у теран ва юксак фикрловчи, мантиқий дунёқарашлари мураккаб, атроф-муҳитнинг муаммоларию дарду қувончларини нозик ҳис қилувчи санъаткор сифатида гавдаланганди. Сафар чоғида қўлидан бирпасда кўплаб қораламалар тайёр бўлиб чиқар, уларни атрофидагиларга саховатлилик билан тарқатар, чизгилардаги юксак малака ва аниқ кузатишлар тасвири вьетнамлик дўстларни ҳайратга солар, қувонтирарди. Охир-оқибат шундай бўлдики, у мендаги аввалги эҳтиёткорона қарашларни йўққа чиқариб, ўзига буткул сеҳрлаб қўйди.

Нодир Норматов роман-эссесида Рўзи Чориев Вьетнам сафаридан битта ҳам портрет асари олиб келмаганлигини ёзади. Муаллифнинг бу фикрини озроқ тузатишга ва бир эпизодни эслашга тўғри келади. Хайлонгда бўлганимизда (Норматов эслатиб ўтган улуғвор Тинч океани қирғоғидаги "Минг орол" қўлтиғи), оқшом пайти Рўзи Чориев этюдник олдида жойлашиб олдида, субъбуёқда ишлай бошлади. У тезкорлигу шиддат билан йигирма дақиқа атрофида ғира-шира оқшом ёғдулари йўғрилган портретимни ишлаб қўйди. Сўнг уни менга кўрсатди. Портрет мени фақат нозик, шаффоф бўёқлару кўк-мовий ранглар силсиласига йўғрилган, жилваланувчи майин латифлиги билангина эмас, балки, кўпроқ тимсолнинг мистик тарзда намоён этилиши билан ларзага солди. Рангларининг эриётгандек майинлиги, латифлиги жиҳатидан портретни Ренуар асарларига тенглаштириш мумкин, аммо жарангдорлик хислатларини қачонлардир мени ҳайратга солган Рўзи Чориевнинг ўзига мансуб "Сайроблик қария" портретига қиёслаш мумкин эди. Портретда жисман акс этган ўзим эдим, аммо айни пайтда асардан менга ғалати бир персонаж нигоҳ ташлаб турарди. Унда психологик эмас, бир лаҳзалик шиддат орқали тўниб қолган оқшомнинг сирли бетакрорлиги тасвири бор эди. Ҳаяжонимни зўрға босган ҳолда ушбу портретни совға қилишини сўрадим, аммо рассом илтимосимни қатъиян рад қилиб, уни суратлар солинадиган жилдга жойлаб қўйди. Тошкентга қайтганимизда, менга жуда гўзал катта бир иш — "Араб аёли" портретини тортиқ қилди. Бу асар ҳали-ҳануз уйим тўрида осиғлик туради, аммо ўша портретни бошқа кўрсатмади...

Нодир Норматовнинг китобига қайтсак, у Рўзи Чориевнинг инсоний фазилатларини ибратли, аниқ мисолларда кўрсата олди, рассомнинг қолипга сиғмас феъл-атворини, унинг шаклланиши ҳаёт йўлида рўй берган мураккаб воқеа-ҳодисалар сарчашмаларига бориб тақалишини кўрсатиб берди. Китоб шакли, мазмуни муаллиф ва рассомнинг кўзга ташланмас мулоқоти тарзида қурилган. Рассом ҳаёти, унинг ишлари, воқеаларнинг драматик эврилишлари Нодир Норматов томонидан маҳорат билан тасвирланган. Рассом ҳаётидаги йирик, диққатга сазовор кўплаб ёрқин саҳифалар латиф бир зийраклик билан тақдим этилади.

XX асрнинг миллий санъати ҳали бадиий тафаккур ва адабий танқид орқали етарли талқин этилмаган. Н.Норматовнинг нозик, теран фикрларга йўғрилган китоби бизни шошма-шошарлик билан маданий-тарихий хулосалар чиқармасликка, бунинг учун муҳим инсоний ва эстетик қадриятлардан келиб чиқиб, маънавий меросга ўта синчковлик билан нигоҳ ташлашга ундайди. Р.Аҳмедовнинг "Она ўйлари", А.Абдуллаев қаламига мансуб портретлар, Ў.Тансиқбоевнинг эпик манзаралари ва, албатта, Р.Чориевнинг "Сайроблик қария портрети" каби дурдона асарлар бизни ўзбек санъати олтин хазинасига қайта-қайта мурожаат қилишга, уларда миллий замонавий уйғониш санъати сарчашмаларини кўришга мажбур этади.

Муаллифнинг ўзи қайд этганидек, китобнинг бош мақсади ўқувчини ўзига жалб этишдир. Мутолаа чоғида бу мақсад амалга ошганига ишонч ҳосил қилдик. Ҳарқалай, шахсан мен мусаввир тақдири ҳақидаги вазмин ва донишмандлик акс этган ушбу мулоқотга қизиқиш билан қўшилдим.

**Акбар ҲАКИМОВ,**
**санъатшунослик фанлари доктори, профессор**

# СОПОЛ ҚЎШИҒИ

**Бошланиши биринчи саҳифада.**

* * *

Чарх айланади. Хаёлот воқеъликка эврилади. Борлиқнинг сирлари очилади.

Қуёш ва ой доира бўйлаб ҳаракатланади. Айлана билан чегараланадиган текислик бу — доира. "Тошдаги битиклар" китобидаги сўзлар эсимга тушади: "Икки дарё оралиғи коҳинлари инсониятга сайёралар ҳаракати ҳақида қимматли маълумотлар берган дастлабки мунажжимлар бўлишган. Ой фазаларини кузатиш натижасида улар ҳафтани етти кунга, доирани 360 градусга бўлганлар".

*Кўйингда Навоийға чарх*
*урмоқ агар етса,*
*Бир доираи мақсуд ўлғуси*
*анга ҳар чарх.*

Агар сенинг йўлингда айланмоқ Навоийга насиб этса, ҳар бир айланиш унга бир мақсад доираси бўлур эди, дейди шоир. У маърифат йўлидан юриб, ҳақиқатга етишни, камолот касб этишни назарда тутмоқда. Агар илмда "Арши аъло", "етти фалак" тушунчалари ҳам мавжудлигини эсласак, "чарх урмоқ", "доираи мақсуд", "ҳар чарх" истиоралари орқали шоир нима демоқчилигини англаймиз. Яъни, солик илоҳиёт йўлида етти фалакни айланиб, ҳақиқатга етишмоқни мақсад қилади. Навоий инсон тақдири ва сайёралар ҳаракатига ишора қилмоқда.

Беруний эса ер шари меридиани бир градусининг узунлигини ўлчайди ва у 110,895 км эканини аниқлайди. Бу маълумот ҳозирги замон ўлчашлари натижаси — 111,1 км билан таққосланса, Беруний тадқиқотининг нақадар аниқлиги намоён бўлади.

Чарх айланади. Хаёлот воқеъликка эврилади. Уста Баҳодир Ниёзов кулол чархи инсон ўйлаб топган энг биринчи дастгоҳ бўлиши ҳам мумкин, дейди.

Уста айлана гардишли қолипга солинган лойга шакл бера бошлайди. Лой қотиб қолмасидан ишлаш керак. Учи ўткир йўнилган чўп лой юзасида чаққон югуради.

Инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири бўлган — ғилдирак бундан беш минг икки юз йиллар аввал Шумерда яратилган экан. Дастлаб ғилдиракдан кулол чархи сифатида фойдаланишган. Кейинчалик арава ғилдираги, оғир юкларни юқорига кўтарувчи мослама, тегирмон ва сув чархпалаги ва ниҳоят самолёт паррагигача ихтиро қилинган. Эҳ-ҳе, ғилдирак техника тараққиётида нақадар муҳим аҳамият касб этган...

Эҳтимол, у илк бора момомнинг урчуқтоши сифатида пайдо бўлгандир... Урчуқтош яратилган замондан космик кемалар асригача ер ўз ўқи атрофида, қуёш теварагида неча бор айланган экан...

Машҳур юнон кулоли Сосий ясаган коса Берлин музейида сақланади. Коса ичига Патрокл жароҳатини боғлаётган Ахилл тасвири туширилган. Бундай сопол идишларга берилган сирлар, рангли тасвирлар, манзаралар қадимги давр тарихидан ҳикоя қилади, ҳаётнинг жонли манзаралари кўз ўнгимизда намоён бўлади.

## *Дарё ва сандиқ*

Чарх айланади. Тахайюл воқеъликка эврилади. Чархнинг айланма ҳаракатида ҳикмат бор.

Баҳодир аканинг Тошкентда Камолон гузаридаги устахонасини кузатаман. Зинадан ертўлага кирилади. Икки ёнида турли шаклдаги хумлар, кўзалар.

Уста кўз ўнгимда ясаётган лаган ичида қишлоқ, уйлар шакли, чархпалак, дарё, қирлар манзараси намоён бўла бошлайди...

Рўпарада ганчдан ишланган Суқрот бюсти. Жавонларда ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат тарихига оид китоблар, Чўлпоннинг шеърий тўплами. Деворларга сопол лаганлар илинган. Лаганлар ичида лойдан турли манзаралар тасвирланган.

Бу лаганлар ҳақиқий бадиий ижод намунаси. Кулолчилик, ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъат уйғунлигида яратилган асарлар. Устахонада график ёки мойбўёқ усулида чизилган турли қоғозлар ёки матоларни, лойдан ясалган хилма-хил идишларни, ҳайкалчалар макетини кўрасиз. Баҳодир Ниёзов ким ўзи: уста кулолми, рассомми, ҳайкалтарошми, деб ўйлаб қоласиз.

Мана, япалоқ лаган ичида лойдан бўрттириб ишланган манзара: уйнинг деворига қозиқ қоқилган, қозиққа бир боғ исириқ илинган. Исириққа пўпак боғланган, туморлар осилиб турибди.

Ўзбекнинг қадим пахса уйида учрайдиган буюмлар кўзингизга иссиқ кўринади. Ижодкор тинч хонадонга, фаровон рўзғорга кўз тегмасин деган эзгу ниятни ушбу асари орқали тасвирлаётгандек. Лаган ҳам, унинг ичидаги буюмлар ранги ҳам бир хил — пишган лой, тандирнинг ичидаги қизил кесак рангида. Бу ранг инсон руҳига яқин. Сув, тупроқ, шамол ва оловни ўзида мужассам этган ашё, бу — сопол.

"Хотира". Қир тепасига қурилган уй. Уйнинг эшиги қия очиқ. Деразалар, томнинг болорлари кўриниб турибди. Уй олдида ўсган бақувват чинорнинг шохлари осмонга ўрлаган. "Бу асар бобом ҳақидаги хотирани эслатади", дейди Баҳодир Ниёзов.

Мана, бу тўртбурчак сопол товоқ мовий рангга бўялган. Товоқ гирди тўқ кўк рангда. Товоқ тубида осмон, дарё ва сувда оқиб бораётган сандиқ тасвирланган. Лойдан ясалган қабариқ шакллар воситасида манзара яратилган. Дарё тўлқинлари, сувнинг саёз ва гум жойлари ранги алоҳида-алоҳида тусда намоён бўлган. Дарё тубида балиқлар ўйнайди. Тўлқинлар оғушида сандиқ оқиб боряпти. Дарё узра чарх ураётган чағалайлар ва олисларда юзаётган булутлар тасвири ҳам берилган. Ўркач-ўркач тўлқинларнинг бағрида сандиқ ичра Тоҳир оқиб боряпти.

*Жамолинг мунаввар*
*кўкдаги кундан,*
*Висолинг мукаррам*
*жондаги хундан.*
*Оқиб борсам Тоҳир*
*мисол сандиқда,*
*Тутармисан сочинг*
*билан Жайҳундан?*

Яна бир сопол лаганда анор шодалари ишланган. Анор устига оппоқ қор ёққан. Яқинроқда олд кўринишда бир жуфт анор. Уларнинг бири ёрилган. Ёрилган



пўстлоқ ичидан қип-қизил доналар кўриниб турибди. Анор устидаги япроқлар худди қирмиз яноқли қиз юзларига тушиб турган жингалак кокилларга ўхшайди. Анор бутасининг япроқлари яшил, бироқ уларнинг устига қор қўнган. Лаганнинг ўнг томонида — узоқда ғуж бўлиб турган уч дона анор. Улар нисбатан кичикроқ. Лаган гардиши чархга, анорлар қизларга ўхшайди.

Ярмидан тепаси йўқ синиқ кўза. Кўза тубида қирлар қўйнидаги қишлоқ, томлари устида майсалар ўсувчи пахса уйлар. Уйларнинг эшиги қишлоқ аҳлининг юрагидек очиқ. Ушбу манзара кўнгилга шундай яқин, қадрдон. Қирларнинг этагида ичи ковак бўлиб кетган бақувват чинор. Унинг тепа шохлари синган, илдизлари эса она тупроқни қаттиқ қучган.

Шакллар, ҳайкаллар, лаганлар ҳар бири ижодкорнинг туйғуси, дунёқараши, тасаввури, орзу ва умидини тимсоллар ёрдамида ифода этади. Томошабинга эстетик завқ бағишлайди, тасаввурини бойитади. Образлар пластикаси, композицион ечими кишини ҳайратга солади.

## *Нахшаб ҳукмдори ҳайкали*

Чарх айланади. Хаёлот воқеъликка эврилади. Чархнинг айланишида ҳикмат бор.

Баҳодир ака ясаётган лаган ичидаги тасвирлар тобора равшанлаша боради. У лойни узун ўқловдек юмалоқлайди. Маълум ўлчамга мослаб кесиб-кесиб олади.

— Бундан тут ясаймиз, — дейди у.

Археологлар Еркўрғондан афсонавий аждаҳо минган чавандоз ва илоҳа тасвири бўрттириб ишланган сопол парчасини топишади. Айтишларича, бир парча лойга Нахшаб ҳукмдорининг муҳри босилганда юқоридаги тасвир ҳосил бўлган ва ўша лой парчаси ушалиб кетмаслиги учун оловда пиширилган. Бу сопол соққа ўша даврда олди-сотди муносабатларида муомала воситасини бажарган бўлиши мумкин.

Аждаҳо минган Нахшаб ҳукмдорига пешвоз чиққан илоҳа бир қўлида қадаҳ тутмоқда, иккинчи қўли билан аждаҳо жиловини ушлаб турибди. Подшонинг аждаҳони жиловлаб миниши — ҳукмдорлик, куч-қудрат ва бадавлатлик рамзи бўлса, илоҳа ҳукмдорга ҳомийлик қилувчи ва мамлакатни қўллаб-қувватловчи илоҳий кучлар тимсолидир.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги рамзий эмблемаси марказида ана шу тимсоллар тасвирланган.

Баҳодир Ниёзов шу мўъжаз тасвирдан фойдаланиб, аждаҳо минган Нахшаб ҳукмдори ва илоҳа ҳайкалининг макетини сополдан ишлади. "Келажакда шу ҳайкални муҳташам қилиб ясаб Қарши шаҳрининг остонасига қўйишни орзу қиламан", дейди у.

Афсоналар, эртаклар нафақат бадиий адабиётнинг, балки тасвирий санъатнинг, ҳайкалтарошликнинг ҳам сарчашмасидир. Қашқадарё ўзани яқинидаги қишлоқда Тоҳир ва Зуҳранинг қабри бор. Қашқадарё сувлари қадимда Зарафшон билан бирга Амударёга қуйилган.

Санъатимиз фидойилари

Тоҳир эса сандиқда Хоразмгача оқиб борган. Қарши — Шаҳрисабз йўли бўйидаги бу қадамжо илгари тўқайзор бўлиб, қаровсиз ва хароб аҳволда эди. Истиқлол йилларида Тоҳир ва Зуҳра — севишганлар манзилгоҳи обод этилди. Ёш йигит-қизлар, келин-куёвлар зиёратгоҳига айланди. Халқ хотирасининг қадимий илдизларидан ўсиб чиққан меҳр ва қадрият дарахтлари гуркираб яшнади. Баҳодир Ниёзов монументал керамика услубида "Тоҳир ва Зуҳра" композициясини яратди.

Мустақиллик йилларида яратилган асарлардан бири Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан амфитеатр биноси пештоқига Баҳодир Ниёзов ишлаган монументал паннодир. Керамика услубидаги рельефли панно композицияси қирқ квадрат метрни ташкил этган. Амфитеатр дарвозасининг икки томонида жойлашган икки композиция мазмунан яхлит уйғунлик касб этади. Чап томондаги асар марказида шер, ўнгдагида эса қанотли туя тимсоллари акс эттирилган. Сфинкс — қанотли шер тимсоли Баҳодир Ниёзовнинг монументал асарида куч-қудрат, салтанат, адолат ва эзгулик маъноларини англатади. Шернинг оёқлари остидаги хурмо дарахти ва тоғ буталари мамлакатнинг бепоёнлиги, халқ шажарасининг қадимийлиги, эл-юртнинг фаровонлигини билдиради. Асарнинг икки четидаги гумбазлар ўртасидаги мовий тўлқинлар эса дарё, қут-барака, тараққиётга ишора.

Ўнг томондаги асар марказида ифодаланган туянинг қанотлари афсонавий семурғ қуши қанотларига ўхшаб кетади. Туя атрофида эса бепоён саҳро ва чўл манзараси тасвирланган. Янтоқлар, саксовул ва юлғун буталари... Буюк Ипак йўли карвонида кетаётган туяни тасаввур этасиз. Туя мол-мулк, савдо-сотиқ, халқаро алоқалар тимсоли бўлса, семурғнинг қанотлари бу юртнинг бошига давлат қуши қўнганини англатади.

Туяни, қанотли туяни биринчи марта кўришим.

— Бу образни қаердан олгансиз?

У бир китобни кўрсатди. Г.А.Пугаченкова, "Шедевры Средней Азии", Ғ.Ғулом нашриёти, 1986 йил.

Китобда кумуш офтоба сурати берилган. VII аср, Суғддан топилган. Офтобанинг қорнида қанотли туянинг тасвири кандакорлик услубида ишланган. Ҳар бир тимсол, рамз ва белги ўзига хос теран маънони ифодалайди.

* * *

Чарх айланади. Хаёлот воқеъликка эврилади.

Тарих ғилдираги айланиб мустақиллигимизни абадиятга, халқимизни буюк келажакка элтади. Уста Баҳодир Ниёзов чархида айланаётган лаган битди. Шохлари чирмовуқдай айқашиб кетган улкан тут дарахти ортидаги қишлоқ манзараси кўзни қувонтиради. Тут юртимиз рамзига айланган. У фаровонлик ва боқийлик тимсоли.

Таниқли шоир Икром Отамуроднинг кулол ҳақидаги шеъри ёдимга тушади.

***Қатқалоқ кафтларнинг***
***тафтини хўплаб —***
***Касби туфроғида***
***палак ёйган гул.***
***Ўтган,***
***қайтганида бир***
***пасил тўхтаб,***
***чанқоғини босар ундан***
***ҳоргин йўл...***

Аждодларимиз яратган санъатдан авлодлар баҳраманд.

**Рустам МУСУРМОН**

Вилоят театрларида

# "ЁШАРГАН" ҚАРИЯ

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри драматург Н.Қодировнинг "Уч кунлик дунё" комедиясини саҳналаштирди.

Тасаввур қилинг, йигитликка қайтиш илинжида яшаган мункиллаган чолнинг орзулари ушалиб, ўзга сайёралик келгинди уни ёшартириб қўяди. Ана энди томошани кўринг. На кампири, на қўшниси, на эски улфатлари танимаган "қария" ҳали-ҳануз ўзини аввалгидек тутиб, каттаю кичикни менсимайди, қишлоқдошлари билан менсимай гаплашади. Бечора кампири, ниҳоят унинг кимлигини англагач, сирни яширишга уринади. Ҳатто ўғлидан анча ёш кўринадиган бобо охир-оқибат ўзлигига қайтишни жуда-жуда истаб қолади...

Мана шу воқеликни театр ижодкорлари саҳнага қизиқарли тарзда олиб чиқишган. Ёш актёрлар Шуҳрат Шокиров, Фаридун Насриддинов, Самия Саматова қаҳрамонларига жиддий ёндашишган. Шу сабабли спектаклдаги Ўзгасайёралик, Аброр, Анора образлари томошабин ёдида қолади. Айниқса, Анора (С.Самадова)нинг икки қадам наридаги эшикни қолдириб, доимо бели баробар пахса девордан ошиб ўтиши, ошганда ҳам буни одатдаги ҳолдек такрорлаши, эсар-бесар юриши, эрини аслида пиёнисталигига қарамай, оғзидан бол томиб мақташи эътиборга лойиқ.

Шундай ижобий фикрларни Шарофат, Райим бува образларида чиққан Зулфия Боқиева ва Хайрулла Насриддинов тўғрисида ҳам айтиш мумкин. З.Боқиева қаҳрамони нафақат ташқи кўриниши, балки ички дунёси билан ҳам эридан кучлироқ характердаги аёл тимсолидир. Х.Насриддинов қаҳрамони эса аввало оддий, тўпори чол сифатида кўз олдимизда намоён бўлади. Райим бува талқини жиҳатидан Х.Насриддинов илгари яратган персонажлардан қолишмайди.

Қаноат Миродилова ижросидаги Рузвон хола ва Бозор Рамазоновнинг Шарофиддини ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Қ.Миродилова — Рузвон хола қарилигига қарамай шўх-шаддод, айни пайтда беғубор соддалиги билан кўзга ташланади. У мункиллаган ёстиқдошининг ёш йигитчага айланиб қолганидан ҳайратланса-да, "ёш болани" чолим десам, ким ишонади, каби истиҳолалар сабаб ташвишга тушади. Шунинг учун ҳам кампирнинг "йигитча"нинг аслини яшириб, бошқаларга чолининг узоқ қишлоқдан келган жияни сифатида таништиришини тушуниш мумкин. Илло, баъзи ўринларда актрисанинг ўзи-да бунга беихтиёр ишониб кетган бўлса ажаб эмас.

Б.Рамазонов Сурхондарё театрининг бугунги забардаст авлод вакили. Етарли ҳаётий ва ижодий тажриба, ўзига хос иқтидор ҳар қандай тоифадаги образ талқинига дуч келганда ҳам, актёрнинг тўғри йўл танлаши учун замин яратади. Мазкур спектаклдаги Шарофиддин ҳам жуда ишонарли чиққан.

Айнан ўғил (Б.Рамазонов) ва ота (Ф.Болтаев) саҳнасида воқеалар авж нуқтага кўтарилади ва ушбу жанжал Аҳмад бува характерида кескин бурилиш ясаб, ноўрин ёшликдан қадрдон қарилигига қайтиш истагини кучайтиради.

Фарҳод Болтаев ижросидаги Аҳмад бувани мазкур саҳнада яратилган янгича образ дейиш мумкин. Қаҳрамонининг ҳар бир ҳаракати, имо-ишораси, талаффузи, қадам ташлашидаги ўзига хослик, берилган шарт-шароитдаги ҳозиржавоблиги ёш актёр меҳнатлари ҳосиласидир. Режиссёр Н.Пардаев саҳнага қўйган бу спектакл томошабинни лоқайд қолдирмайди. Асар аслида комедия жанрида яратилган бўлса-да, унда одамнинг ҳаётдаги, жамиятдаги, оиладаги ўрни билан боғлиқ жиддий масалалар ўртага ташланган. Зеро, ҳар бир персонаж тили, хатти-ҳаракати замирида ана шу масалаларга жавоб изланади. Айниқса, бош қаҳрамон тушиб қолган вазият асар ғоясини очишда калит вазифасини ўтайди. Бу образ орқали режиссёр дунёга келган ҳар бир одам ўз ўрнида, айнан ўз ҳолатида қадрли эканини, турли фантастик хаёллар билан ҳақиқий ҳаёт, турмуш ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигини айтишга ҳаракат қилади ва бунга эришади ҳам. Бу дунёга келдингми, ўз умрингни яхшилик, тўғрилик, поклик, камтарлик билан яшаб ўт. Асли яшашдан мақсад ҳам шу. Бинобарин, режиссёрдаги ўзига хос "кўриш", бошқалар назаридан четда қолган нозик чизгиларни илғай олиш, мавжуд юморни кучайтириш каби хусусиятлар пиесани завқли томошага айлантирган.

Айни пайтда, айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, Шарофиддин (Б.Рамазонов)нинг отаси (Ф.Болтаев)нинг ёқасидан олиши, уни дўппослаши шарқона ахлоқий меъёрларга зид. Тўғри, ўғил отасини танимади. Лекин, уларнинг аслида кимлиги томошабинга маълум-ку.



Спектакл ютуғига соя солиб турган яна бир компонент саҳна безагидир. "Уч кунлик дунё" кишига хушкайфият бағишлайдиган ёрқин комедия экан, унинг декорацияси ҳам кўзни қамаштириши керак. Аммо бунинг ўрнига хира ва совуқ рангдаги, кўпроқ 80-йиллар драмаларига хос саҳна безакларига дуч келдик. Ҳар қандай шароитда ҳам муаллифлар саҳна безаги асар жанри ва мазмунига ҳамоҳанг бўлиши лозимлигини назарда тутишлари керак.

Асосийси, театрда мухлисларга маъқул бўлган янги спектакл яратилди. "Уч кунлик дунё" сурхондарёликларнинг севимли томошаларидан бўлиб қолишига ишонамиз.

**Шавкат ПАРДАЕВ,**
**театршунос**

Водийларни яёв кезганда

# БОЙЧИБОРНИНГ ИЗИ БОР...

### Чанқовуз чорлови

Тунни гулхан атрофида ўтказдик. Тонг отиб, бутун борлиққа офтоб нурлари ёйила бошлагач, режага кўра, Боботоғдан Кўҳитанг томон йўл тортамиз. Йўл-йўлакай бизга ҳамроҳлик қилган Хуррам бахши қишлоғи томон қайриларканмиз, қизиқ манзаранинг устидан чиқдик. Қишлоқ аёллари кичик бахшини давраларига тортиб, гурунг қилишаётган экан. “Гурунг”га қўшилган аёллар қўлидаги каштаси, йигираётган урчуғи билан чанқовузини ҳам олиб чиқади. Бу юртда чанқовуз чалмайдиган аёлнинг ўзи йўқ. Улар чанқовузни галма-гал чалиб, ўз билганини намойиш этадилар. Кўп ҳолларда гурунгга ёш бахшилар таклиф этилади. Негаки, улар бу гурунгларда пишиб, етила боради. Чунки аёллар шунчаки тингловчи эмас, халқ достонлари сюжетини бахшилардан кам билмайдиган талабчан мухлислардир. Қисқаси, бу давра ёш бахшилар учун бешик вазифасини ўтайди.

Кўҳитангда биринчи сезганимиз сувнинг мўллиги бўлди. Гўё ҳар бир тош остидан булоқ сизиб чиқаётгандек эди. Улардан бири “Толлибулоқ”, деб аталади. Бу сўз “ширин” деган маънони англатаркан. Ҳақиқатан ҳам, бу манзилдаги булоқлар суви жуда тотли. Экспедиция учун ҳар бир янги манзил худди ўқилмаган китобдай қизиқ туюлади. Шунинг учун йўлимизда учраган ғор олдидан бепарво ўтиб кетолмадик. Кўрдикки, ғор оғзи кичкина. Унинг дастлабки йўналиши бамисоли қудуқдек тик энган бўлиб, ғорга фақат арқон кўмагида тушиш мумкин эди.



Бу нотаниш ва номаълум жойда бизни биринчи бўлиб калтакесак қарши олди. Калтакесак борми, демак, бошқа жониворлар, жумладан, илонлар ҳам учрайди. Уларни қочириш учун шовқин кўтариб, арқон кўмагида ичкарига туша бошлаймиз. Тик тушган ғорларда илондан ҳам кўра оёқ остидан тош кўчиб, йиқилиш хавфи кучлироқ бўлгани боис, ҳар бир қадамни ўйлаб босишга тиришамиз. Ғорнинг ҳавоси зах эмас, жуда мусаффо. У оддий ғорлардан бири эканига ишонч ҳосил қилгандан сўнггина юқорига чиқамиз. Қуёшнинг илиқ тафти ва ўтўланлар бўйини қайтадан туя бошлаймиз. Чунки ғор ўз номи билан ғор, ичкарида у жисми-жонингизга қандайдир англарсиз босим ўтказиб туради ва юқорига чиққанингиздан сўнг бу залворли босимдан халос бўласиз. Ўзингизни эркин қушдек ҳис қила бошлайсиз.

Яна Толлисой бўйлаб илгарилаймиз. Юқорилаганимиз сайин теварак манзаралари ўзгара борар, тоғ ўз малоҳатини бор ҳолича намойиш эта бошлайди. Ҳамроҳимиз Абдуназар бахши Кўҳитангга бахши кўзи билан қарайди. Сурхондарё ва Қашқадарё бахшилари тилида бу тоғ “Кўҳитанг”, Самарқанд бахшилари тилида эса “Қағатанг” сифатида тилга олинади. Хуллас, тоғ каби, у ҳақдаги афсона ва ривоятлар ҳам ғоятда кўҳнадир. Бахшига қолса, мана бу булоқниям тилга киритса, ундан Ойбарчин қониб-қониб сув ичган ёхуд у Алпомиш баҳодирнинг бир зарбидан айни чошгоҳда пайдо бўлган деса... Агар бахши хоҳлар бўлса, кўкдаги қушлар сизга эртак сўзлаб, чечаклар саломга келади. Чўнг қоялар таъзим айлаб, тоғлар бағрини очади. Агар таърифни мухтасар қилсак, бахшилар борлиқни сўзлатади, оламни куйлатади. Биз тоғлар бағридаги арчазор ва бошқа манзараларни илғасак, бахшилар Алпомиш ва Ойбарчинни кўради. “Алпомиш” достонида алоҳида завқла тилга олинадиган Кўҳитангдан бемисл илҳом олган Абдуназар бахшининг кўп ва хўп куйлагиси келди. Овози тоғлар оша қанот қоқди. Дўмбира сасини эшитган халқ у дарадан, бу дарадан йиғилиб келаверди, йиғилиб келаверди. Бахши эса борлиқни унутган кўйи, куйлайверди, куйлайверди. Шу тун Кўҳитанг янада фусункор тус олди. Тоғликларгина эмас, кўкдаги юлдузлар ҳам кўзларини жавдиратиб-жавдиратиб, достон тинглади!

Эртаси куни яна йўлда давом этиб, қояга чизилган суратларни кўзлаб борардик. “Зараутсой” жамоатчилик маркази раҳбари Абдулла Холмирзаев тоғнинг туни суякни қақшатадиган даражада совуқ бўлади, дея бизни тез юришга қистаб, ҳоли-жонимизга қўймасди. Буни билсак-да, барибир ошиқолмасдик, негаки, теварагимизда ноёб арчалар ва тоғ гиёҳлари гуркираб ётарди. Тиккайган ҳар бир гиёҳнинг табиатда тутган ўз ўрни бор. Уларнинг шифобахшлик хусусияти ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Илгарилаганимиз сайин арчалар қуюқлаша бориб, айрим жойларда ўтиб бўлмас ўрмон тусини оларди.

Табиатда арчанинг етмишга яқин тури бор. Шундан уч тури — Зарафшон, яъни қора арча, савур арча ҳамда Туркистон арчаси ўз тоғларимизда ўсади. Арчалар, одатда, 600-700 йил, айримлари эса икки минг йилгача умр кўради. Туркистон арчаси тоғнинг нисбатан юқори қисмида — 2500 дан 3100 метргача бўлган баландликда томир отса, 1400 дан 2500 метргача бўлган оралиқда савур арча ўсади, икки минг метр ва ундан қуйироқни эса Зарафшон арчаси эгаллайди. Уларсиз тоғ табиатини тасаввур этиб бўлмайди.

### Арчазордаги қадим хумдонлар

Тоғлардаги аксарият қалин арчазорлар ўз бағрида ноёб осори атиқаларни, яъни қадимий хумдонларни асраб келади. Улар маъдан эритишга мўлжалланган. Қадимий хумдон қолдиқларига Хомкон кўлида ва, шунингдек, Ҳисор тоғи тизмаларида илгари ҳам рўбарў келгандик. Улар аждодларимиз қадим-қадимдан маъданшунослик илмини чуқур билгани ва тоғлардан турли рудалар қазиб олиб, арчадан писта кўмир тайёрлаб, маъдан эритишганини билдиради.

Буни қарангки, Кўҳитангда ҳам шундай қадимий хумдон ўринларидан бирига дуч келамиз. Ерда сочилиб ётган маъдан қолдиқлари, аниқроғи, қуйқаларнинг нималигини суҳбатимиздан билиб олган айрим тоғлик ҳамроҳларимиз бундай ашёлар тоғнинг бошқа қисмларида ҳам мавжудлигини айтишади. Демак, хумдон тоғда ягона эмас, йўлда уларга яна дуч келишимиз мумкин.

Бир неча чақирим оғир тоғ йўлини ортда қолдирганимиздан сўнг ёнбағирликда турган ёлғиз иморатга кўзимиз тушади. Ҳамроҳимиз Абдулла аканинг, тоғликлар зийрак бўлишади, юришингизга қарабоқ ҳолатингизни аниқлайди, деганича бор экан. Ошиқаётганимизни узоқдан пайқаган уй эгалари, қўниб ўтишга кўнмаслигимизни сезишди шекилли, тоғ одатига кўра, қаршимизга ўзлари дастурхон кўтариб чиқди.

Биз ҳам лутфга лутф ила жавоб бериб, тик турганча бир тишламдан тандир кабоб едик. Сўнг тоғликлар билан хайр-хушлашиб яна йўлга тушдик. Зараутсойга хийла яқинлашганимизда хумдон қолдиқларидан яна бирига дуч келамиз. Оёғимиз тагида, хаслар орасида маъдан қуйқалари сочилиб ётарди.

Ўлка тарихини ўрганиш борасида салмоқли ишлар қилиб келаётган Абдулла аканинг таъкидлашига қараганда, Зараутсой қадимдан кончилик ва ҳунармандлик марказларидан бири бўлиб, бу ҳудудда нақ олтита маъдан эритиладиган хумдон бўлган экан. Ота-боболаримиз хумдонга бир қават Зараут кўмири, бир қават руда тош қалаб, олов ёқиб чўян ва темир эритганлар. Улар ишлатган Зараут кўмири узоқда эмас, мана шу яқин орада.



“Зараут кўмири” ҳақидаги гапни эшитиб, ҳушёр тортамиз. Абдулла ака ўйимиздан не ўтганини сезгандай, бизни кўмир қатлами томон бошлайди. Мана ўша кўмир қатлами! Одамнинг ҳеч ишонгиси келмайди. Кўз ўнгимизда ҳали қўл текизилмаган кўмир қатлами қорайиб турарди. Айтишларича, қаршимиздаги тоғ замини яхлит кўмир кони экан. Демак, бу ҳудудда маъдан эритган ота-боболаримиз биз ўйлаганчалик махсус писта кўмирдан эмас, балки росмана тошкўмирдан фойдаланишган бўлса ҳам ажаб эмас.

### Тош даврининг бадиий ижоди

Ниҳоят, Зараутсой ёдгорлиги жойлашган даранинг кунботар томонидаги катта қояга етиб келдик. Чамаси, уч қаватли том баландлигидаги суратли камар кўзга ташланиб турарди. Лекин ундаги қадимий суратларни пастдан туриб илғаш қийин. Одатда, тошдаги суратларни кўргани келганларнинг ҳаммасиям юрак бетлаб қояга тирмашавермас, яъни камарга чиққанлари чиқиб, чиқолмаганлари армонда қайтиб кетар экан. Бироқ бизнинг армонда кетиш ниятимиз йўқ эди. Шунинг учун ҳимоя арқонидан фойдаланиб, юқорига тирмаша бошлаймиз.

Камар айвони тор. Камарнинг турли томонига сочилган тошсуратлар қоя рельефига мослаб яратилган, яъни рельеф ибтидоий рассом учун тасвирий элемент сифатида хизмат қилиб, маълум бир композицияга уйғунлашган. Барча суратлар алоҳида гуруҳларга бўлинган. Биринчи гуруҳ суратлари камар ичининг чап қисмидан юқорига қараб жойлашган бўлиб, тахминан 60-80 сантиметрли юзани эгаллаган. Бу ерда ёввойи ҳайвонларни юқорига ҳайдаб ов қилиш саҳнаси тасвирланган.

Иккинчи гуруҳ расмлари 80-120 сантиметр атрофидаги майдонни эгаллаган. Бир-биридан анча узоқда жойлашган бу суратлар гуруҳи, олимларнинг фикрича, мазмуни ва яратилган вақти жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Ўнгроқда бийга ўхшаган ҳашорат тасвири туширилган. Маъноси ҳозиргача тўла ўрганилмаган турли чизиқлар ҳам мавжуд. Учинчи гуруҳ расмлари камар шифтининг юқоридан эгилган жойида бўлиб, 60-100 сантиметрли юзани эгаллаган. Қизил бўёқ билан тасвирланган суратларда ёввойи буқани итлар ёрдамида овлаш саҳнаси акс эттан. Овчилар қуйига томон кенгайиб борувчи кийимларда. Уларнинг бу кўриниши худди тувалоққа ўхшаб кетади. Бу ерларни макон тутган тувалоқдан ёввойи жониворлар қўрқмаган. Ибтидоий овчилар ўша тувалоқ қушлар ниқобида ўлжага яқинлашган кўринади.

Қадимги ўрта тош даврига (мезолит, милоддан олдинги 12-6 минг йилликлар) мансуб бу суратлар инсоният тамаддуни тонгида яратилган бўлиб, у жойлашган тоғ камари 1939 йили адашган улоғини сарсон қидириб юрган зараутсойлик Рауф деган бола томонидан тасодифий равишда топилган ва ўз даврида Марказий Осиёда биринчи марта кашф этилган тошбитик сифатида баҳоланган эди. Ўтган минг йилликларнинг шафқатсиз синовларидан эсон-омон ўтиб, бизгача бекаму кўст етиб келган бу нафис суратлар ўзига хослиги, бетакрорлиги билан қалбимизни фахр-ифтихор ҳиссига тўлдиради, хаёлларимизни ҳайрату ҳаяжонга чулғайди.

Бу ноёб ёдгорлик бориш қийин бўлган тоғ қояси белидаги камарда жойлашганини айтдик. Шунга қарамай Зараутсойга хоҳлаган пайтда келиб-кетаётган «ёввойи сайёҳ»лар ўзларидан хунук «дастхат» қолдиришаётган экан. Қадимий суратларга шамол, қуёш нури ва иқлим ўзгариши каби табиий ҳодисалар ҳам уларчалик нохуш таъсир кўрсатмаган.

Неча минг йиллардан буён яхши сақланиб келган, маънавий илдизларимизга туташ Зараутсой ёдгорлиги кўз ўнгимизда хира тортишини ақлга сиғдириб бўлмайди. Юртимизнинг илк санъат бешикларидан бири бўлган нодир обидалар, қоятошларга битилган ноёб тасвирлар асраб қолиниши зарур. «Зараутсой» жамоатчилик маркази ташаббуси билан 2006 йили ЮНЕСКО вакиллари Зараутсой ёдгорлигига таклиф этилган. Жаҳон аҳамиятига молик тошбитик санъати ёдгорликлари менежментини ўрганиш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Шу муносабат билан ёдгорликни сақлаш ва муҳофаза қилиш, унга таъсир этувчи омилларни ўрганиб тошсуратларни консервация қилиш ва бу жараёнларга маҳаллий аҳолини жалб этиш зарурати келиб чиқмоқда.

**Нормурод НОРҚОБИЛОВ**

---

Соғлигинг — бойлигинг...

## Қорағат

Қора қорағат (смородина) гуллагандан сўнг ёш барглари тезда йиғиб олинса, унинг нафи қорағат мевасиникидан кам бўлмайди. Қорағатнинг ёш барглари таркибида муайян нисбатда аскорбин кислота (С дармондориси) ва рутин (Р дармондориси) мавжуд. Рутин аскорбин кислотанинг тўлиқ ўзлашишини таъминлайди.

Қора қорағат баргларидан тайёрланган шарбат ёзги шамоллашнинг олдини олади, ичаклардаги инфекцияларни қиради, сийдик ҳайдаб, шишларга барҳам беради. Қорағат баргларидан тайёрланган чой эса организмда модда алмашинуви жараёнини яхшилайди, организмнинг вирусларга қарши бардошини оширади.

## Ёз таомлари

Ёз ойлари қатиқ, сузма, творог, йогурт, айрон каби сут маҳсулотлари аъзои баданимизга хуш ёқади. Иссиқ ҳароратли кунларда уларни сабзавот салатларига ҳам қўшиш мумкин.

Қизил ва қора қорағат, кўк олма, карам, ачиқ-чучук егуликлар парҳез таомлар турини бойитади. Агар одам фойдали, деб фақат бир хил таомни кўп танавул қилса, бунинг зарари бор. Кунига 50 миллиграмм С дармондориси етарли. Карамдан тайёрланган салат миқдори кунига 450 граммдан ошмаслиги керак. Икки дона антонов олмаси ёхуд уч дона ширин олманинг ўзи етарли. Бундан ошса, ошқозонда ачиш жараёни бошланади. Кўкатлардан тайёрланган салат миқдори ҳам кунига 350 граммдан ошмаслиги зарур. Улар ични тозалайди. Энг маъқули сархил помидор ва бодринг салатларидир. Бироқ помидорни кунига икки-учтадан кўп еманг, буйракларга таъсир кўрсатади.



## Офтоб уришидан сақланинг!

Инсон офтоб нурисиз яшай олмайди. Шунинг учун айрим руҳий хасталикларни ёруғлик таъсирида даволаш самарали. Негаки, ултрабинафша нурлар қондаги кальций ва фосфорни меъёрга солувчи Д дармондориси ҳосил бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Қуёш нури бактерияларни ҳам қиради.

Айни чоғда, офтобда тобланиш меъёридан ошса, бу инсон саломатлиги учун ниҳоятда хавфли. Бу нохуш ҳолат турли даражадаги тери саратонига, баданнинг куйишига олиб келиши, қариш жараёнини тезлатиши, катаракта ва бошқа кўз касалликларини қўзғаши, иммунитетни сусайтириши мумкин. Шифокорлар сўнгги 20-30 йил ичида мовий кўзли, оқ ва кўкиш сочли, рангрўйи оқтоб кишиларда тери саратони кўп учраётганини айтишмоқда.

Бу ҳолат офтобда тобланишнинг фойдали жиҳати кўп айтилиб, унинг зарари ҳақида шу чоққача лом-мим дейилмай келгани билан изоҳланмоқда. Натижада қуёш тафтида узоқ вақт бўладиган одамлар кўпайди. Ёш болаларнинг офтоб нурида узоқ қолиб кетиши кейинчалик, яъни улар катта бўлишганда саратон хасталигига кўпроқ чалинишига сабаб бўларкан.

Кўпчилик ёз ойлари тиниқ сувда чўмилиб, офтобда тобланишни хуш кўради. Денгиз суви ва мусаффо ҳавонинг нафи катта, албатта. Бироқ ҳаммага хуш ёқадиган бундай ҳордиқ чиқаришнинг ўз тартиб-қоидалари бор. Аввало, ҳеч қачон соат 11 дан 15 гача офтобда тобланманг. Бу пайт қуёш фаоллиги энг кучайган вақт саналади, бундай пайтлари тобланиш тери куйишига олиб келади. Дарё, кўл ва денгиз соҳилида бўлганда, энг яхшиси, ёруғ ўтадиган соябон ёки дарахтлар соясидан жой олинг. Шу ҳолда ҳам тобланиш мумкин, муҳими, терига зарар етмайди.

Терининг очиқ жойига қуёш нуридан муҳофазаловчи крем суришни ҳам унутманг. Бошга кенг йўлли матодан бош кийим кийган, кўзга қора кўзойнак таққан маъқул.

Ультрабинафша нурларнинг таъсир кучи ҳаво ҳароратига боғлиқ эмас. Ҳатто булутли осмон остида узоқ турилса ҳам тери куйиши мумкин. Ҳар сафар қуёшда тобланаётганда терининг куйиши билан боғлиқ касалликларнинг ривожланиш хавфи туғилади. Негаки, ултрабинафша нурлар сояда ҳам фаоллигини йўқотмайди.

---

**ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА**

*Азиз газетхон!*

**Йилнинг биринчи ярми ниҳояланди. Бироқ севимли газетангиз — «ЎзАС»га обуна давом этмоқда. Обуна ҳар ойнинг ўнинчи санасигача расмийлаштирилса, келгуси ойдан бошлаб ижодий мулоқотимиз давом этаверади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» хонадонингизга ёз ҳароратини, куз тўкинчилигини олиб кирсин!**

*Нашр кўрсаткичимиз – 222.*



Она сайёра — кўриқхона

## «ЛЕВ ТОЛСТОЙ ҲАҚИДА ҲАҚИҚАТЛАР»

Инсоннинг бу дунёга келиб кетишида қандай маъно бор? Умуман, одамзот умрининг моҳияти нимада?.. Буюк мутафаккирлар, машҳур файласуфлар барча замонларда бу каби умуминсоний саволлар устида бош қотирганлар. Буюк адиб Лев Толстой ҳам ўзининг «Иқрорнома» асарида умрнинг мазмуни ҳақида мулоҳаза юритиб, ўзининг ҳаётида эътиқод ва диннинг ўрни борасида теран мушоҳадаларини баён этган, ўз даврининг зиёлиларини ўйлантирган маънавий муаммоларга жавоб излаган. Бу асар адибнинг ҳаёти ва дунёқарашининг зиддиятли қирраларини акс эттиргани билан ҳам муҳимдир.




Яқинда «Янги аср авлоди» (2010) нашриётида чоп этилган «Лев Толстой ҳақида ҳақиқатлар» китобидан жой олган Толстойнинг “Иқрорнома”си атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов таржимасида берилган.

Шунингдек, тўпламда адибнинг “Шекспир ва драма тўғрисида” танқидий очерки, ёзувчига нима сабабдан Нобел мукофоти берилмагани, унинг васияти ҳақидаги мақолалар билан ҳам танишасиз.

Доимий ҳамроҳ

## “ТАХАЙЮЛ”

Қашқадарёлик ижодкор Али Ниёз бир неча шеърий тўпламлари билан китобхонларга яхши таниш. Яқинда “Насаф” нашриётида шоирнинг “Тахайюл” деб номланган китоби нашрдан чиқди. Мажмуа мундарижаси рангбаранг: унда шеърлар, мухаммаслар, тўртликлар, адабий-танқидий мақолалар, бадиалар ва адабий ўйлар жамланган.

Она-Ватан мадҳ этилган шеърларда, муҳаббат ва вафо, садоқат ва ишонч мавзуларидаги тўртликларда шоир ўз кечинмаларини ҳаётий, фалсафий образ ва тимсоллар орқали бадиий талқин қилишга эришган. Қуйидаги мисралар ана шундан далолатдир:

**Кунлар сулув — бу дилбар кунлар,**
**Эсда қолар ҳар бир лаҳзаси —**
**Жамолингдан ёришар тунлар,**
**Эркалайди Ойнинг шуъласи.**

Тўпламдаги “Чингиз оға” мақоласида машҳур қирғиз адибининг “Охирзамон нишоналари (Кассандра тамғаси)” романига доир кузатишлар баён этилган бўлса, бошқа бир қатор мақолаларда қашқадарёлик ижодкорлар Гелди Бердиев, Амир Худойберди, Нормурод Норқобил, Ҳол Муҳаммад Ҳасан, Ўроз Ҳайдар, Мавлуда Очилованинг шеърий ва насрий асарлари таҳлил ва талқин этилган, ҳар бирининг ўзига хос ижодий услубларига доир кузатишлар баён қилинган.




“Адабий ўйлар”ида Али Ниёз ижод ва ижодий жараён, ҳаёт ва яшашдан мақсад, маънавият ва унинг манбаи бўлмиш китоб, ростгўйлик ва ҳалоллик ҳақида ҳаётда ўзи кузатган, кўнглидан кечирган ҳукм-хулосаларни мухтасар тарзда ифодалайди.

“Тахайюл” китобига Амир Худойбердиев масъул муҳаррир бўлган. Муҳаррир Б.Ашуров.

---

Тошкент Мелиорация ва ирригация институти (ТИМИ) томонидан 1992 йили Матназаров Максуд Раззакович номига берилган ФВ №946542 рақамли (қайд этиш рўйхати 39930) йўқолган диплом **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

1993 йил 1 февралда Шемяков Всеволод Васильевич номига берилган 10-02/5693 рақамли, уйга эгалик қилувчи давлат ордери йўқолган сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти томонидан 2009 йил 4 мартда Ковтунова Камиля Мухаметовна номига берилган 0404252 рақамли йўқолган патент **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Ҳамза туманидаги "MARIAM" хусусий фирмасининг ҳуқуқий шакли "MARIAM" масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) деб ўзгартирилди. "MARIAM" МЧЖ "MARIAM" хусусий фирмасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

* * *

Ҳамза туман тадбиркор субъектларни рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2003 йил 17 декабр 000069-07-сонли реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган, Ҳамза туман, Оқ дарё кўчаси, 7-уй манзилида жойлашган “ALXAM-BAB” хусусий корхонаси (СТИР 204754235) ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 27.07.2010 йилдаги 1-сонли қарорга асосан **ТУГАТИЛАДИ**. Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 330-46-24 телефон рақами орқали қабул қилинади.

* * *

Мирзо Улуғбек туманидаги “FERRU PROGRESS MAHLIYO” МЧЖ нинг йўқолган думалоқ муҳри **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Юнусобод туманидаги “SEHRLI DUNYO INVEST” хусусий ишлаб-чиқариш фирмаси “SEHRLI DUNYO INVEST” МЧЖ деб ўзгартирилди.

* * *

Миробод туманидаги “JAVANA PROFESSIONAL GROUP” хусусий ташкилоти (ИНН 301622428) **ТУГАТИЛАДИ.** (2010 йил 29 июлдаги ихтиёрий тугатилиш қарорига биноан). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида, Парвона кўчаси, 23-уйда, 799-00-11 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Маданият ва санъат кўргазмаси»нинг илмий ходими Расул Исмановга отаси

**ХЎЖАМБЕРДИ ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, музейшунос, Ойбек уй-музейининг собиқ директори

**Ўткир ЁРМУҲАММЕДОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди ёзувчи Зоир Мамажоновга укаси

**ЗОКИРЖОН**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: “ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:

Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48*

*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ

Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.10

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4995. Буюртма Г — 648. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН